

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК*

**НУРАЛИЕВ МЎМИНЖОН ШУХРАТ ЎҒЛИ**

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАШҚИ  
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

**5А240102- Ҳўжалик ҳуқуқи (Тадбиркорлик ҳуқуқи; хўжалик процессуал  
ҳуқуқи; меҳнат ҳуқуқи; қишлоқ хўжалик ҳуқуқи) мутахассислиги  
бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: ю.ф.н., доц.  
Х.Т.Азизов**

**Тошкент – 2014**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>I боб. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи.....</b>	<b>10</b>
1. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг тушунчаси ва моҳияти.....	10
2. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги халқаро шартномаларнинг роли.....	17
3. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини миллий қонунчилик асослари.....	29
<b>I боб бўйича хулоса.....</b>	<b>36</b>
<b>II боб. Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари.....</b>	<b>38</b>
1. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қуватланиши.....	38
2. Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	49
<b>II боб бўйича хулоса.....</b>	<b>61</b>
<b>III боб. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш истиқболлари.....</b>	<b>62</b>
1. Кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги электрон тижорат муносабатларининг ҳуқуқий табиати.....	63
2. Кичик тадбиркорлик субъектларининг инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари.....	74
<b>III боб бўйича хулоса.....</b>	<b>86</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>87</b>
<b>Адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>91</b>

## КИРИШ

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни аҳамияти беқиёсдир. Дарҳақиқат, кичик тадбиркорлик субъекларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини ўрганиш долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади. Зеро, ташқи иқтисодий фаолият орқали мамлакат иқтисодиёти ривожланади, шу билан бирга, экспорт муносабатларини самарадорлигини ошириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Шуни доимо ёдда тутишимиз керакки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди ва эришган натижалари билан кифояланмасдан, дунёда кечаётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талаблари ва жаҳон бозорида кучайиб бораётган рақобат курашига мос ҳолда қадам ташлайдиган давлатгина биринчи навбатда муваффақият қозона олади”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, экспортга йўналтирилган ташқи савдо стратегиясини танлаган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, экспортни рағбатлантириш сиёсати ишлаб чиқариш ва экспорт таркибини диверсификациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Экспортни рағбатлантириш сиёсати туфайли янги индустриал мамлакатлар хом ашёни экспорт қилувчилардан тайёр маҳсулотларни экспорт қилувчига айланади ва жаҳон хўжалик тизимида ўзининг муносиб жойини эгаллайди<sup>2</sup>. Агар импорт ўрнини босувчи савдо сиёсатини танлаган мамлакатларда узоқ истиқболда 1,6 фоиз иқтисодий ўсишга эришилган бўлса, экспортга йўналтирилган савдо сиёсатини қўллаган давлатларда бу кўрсаткич 6-7 фоизни ташкил этади. Инвестициялардан олинган самара импорт ўрнини босувчи сиёсатни

<sup>1</sup>Каримов И.А. Асарлар, 19-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. - Б 333-324.

<sup>2</sup>Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012. –59 б.

танлаган мамлакатларда экспортга йўналтирилган савдо сиёсатини танлаган мамлакатларга нисбатан 2 баробар паст бўлади<sup>3</sup>. Шу боис бугунги кунда экспортга йўналтирилган сиёсатнинг афзаллиги жаҳондаги деярли барча кўзга кўринган иқтисодчилар томонидан тан олинган.

Чунончи, Ж.Стиглиц шундай ёзади: “Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўсиши иқтисодиётнинг бир қатор очиклик кўрсаткичлари – ташқи савдонинг ЯИМга нисбатан, импорт тарифларининг ўртача даражасига боғлиқ<sup>4</sup>. Бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимизнинг олдинги жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир<sup>5</sup>.”

Кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий юксалишнинг муҳим омилларидан бирига айланди, десак асло муболаға бўлмайди. Статистик маълумотларга кўра, 2010 йилда мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 15,2 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тўғри келган. Бу кўрсаткич Молдовада – 12,3, Қозоғистонда – 6,9, Россияда – 11,3, Украинада – 7,5, Беларусда – 7,3, Озарбайжонда – 1,6 тани ташкил этди. Мамлакатимизда мустақилликдан кейин 22 йил ичида ташқи савдо айланмаси 805,6 миллион АҚШ долларидан 21,8 миллиард долларга, яъни 27,1 баробар ўсди. Жумладан, экспорт ҳажми 442,7 миллион доллардан 13,1 миллиард долларга ёки 29,5, импорт 362,9 миллион доллардан 8,8 миллиард долларга ёки 24,2 баробар кўпайди. Айни пайтда ташқи савдонинг ижобий савдоси 79,8 миллион доллардан 4,2 миллиард долларга, яъни 53 баробар ортди. Шундан кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажми 2000-йилга келиб 10,2 бўлса, 2005 йилга келиб 6,0 ва 2010 йилга келиб 13,6 га ўсганини кўришимиз мумкин<sup>6</sup>.

<sup>3</sup>Қаранг: Трушин Э., Эргашев Б. Внешнеторговая политика: выбор стратегии для Узбекистана. // “Экономическое обозрение”, Т.: 2000, №1. 11. с.

<sup>4</sup>Stiglitz. Josef T. Towards a New Paradigm for Development: Stateqies. Policies and Process – Prebish Lecture at VNCTAD. 1998. Geneva. October 19.

<sup>5</sup>Каримов И.А. Асарлар, 1-жилд, - Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 289-б.

<sup>6</sup>Статистик тўплам, - Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 66-б.

Ривожланиб бораётган иқтисодий тизим ва унда кичик тадбиркорлик субъектларининг сони тобора ортиб бориши, улар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, хусусан ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш орқали уларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилишни талаб этади. Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш истиқболли йўналишлардан бўлиб ҳисобланади. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий муносабатларда иштирокининг тобора кенгайиб бориши, ўз навбатида қонун ҳужжатларни амалиётда қўллаш баробарида унинг такомиллаштиришни тақозо этади.

Шу маънода, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналиши сифатида “Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш” мавзуси алоҳида долзарблик касб этади. Бинобарин, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни самарадорлигини ошириш мақсадида асослангилган ҳулоса, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

**Тадқиқот объекти** кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатларни ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим ва истиқболли жиҳатларини тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг мақсади** мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналиши сифатида “Кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш”ни илмий-назарий ва амалий тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

- кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг тушунчаси ва моҳиятини тадқиқ қилиш;

- кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги халқаро шартномаларнинг ролини ёритиб бериш;
- кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини миллий қонунчилик асосларини таҳлил қилиш;
- кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қуватланишининг ҳуқуқий кафолатларини ўрганиш;
- кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан хулоса ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш;
- кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги электрон тижорат муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- кичик тадбиркорлик субъектларининг инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари**

Тадқиқ этилган муаммолар бўйича қуйидаги ғоялар, илмий ечимлар ва мулоҳазалар оммавий ҳимоя учун илгари сурилди:

Тадқиқот ишида кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасига қуйидагича илмий таъриф берилди. Хусусан, кичик тадбиркорлик субъектлари билан хорижий контрагентлар ўртасидаги ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

Диссертацияда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид бир қатор таклиф ва тавсиялар асослантириб берилди:

- Ўзбекистон Республикасининг “Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиши лозим,

чунки бундай қонунчилик тажрибаси кўплаб ривожланган давлатлар тажрибасида кузатиш мумкин;

- Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- хорижий давлатларнинг электрон савдо тўғрисидаги қонунчилик тажрибасини инобатга олиб “Ўзбекистон Республикасининг “Электрон савдо тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари илк маротаба тадқиқ этиб ўрганилди. Зеро, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари мустақилликка эришганидан сўнг шакллана бошлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида тадбиркорлик тушунчаси, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий жиҳатлари Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Ш.Н. Рузиназаров, И.Б.Зокиров, Б.Ибратов, О.Оқюлов, Р.Ж.Рўзиев, Б.Б.Самархўжаев, Ф.Ҳ.Отахонов, М.Э.Абдусаломов, Х.Т.Азизов, М.Х.Баратов, В.Ё.Эргашев, В.Р.Топилдиев, А.Ҳ. Шукруллаев, А.У. Тўраев каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилди.

Жумладан, М.Э.Абдусаломов тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари<sup>7</sup>, Х.Т. Азизов, Ж. Ширинов, Ш. Бакаев тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш<sup>8</sup>, Ғ.Н.Алиевнинг яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ва уни

---

<sup>7</sup> Абдусаломов М.Э. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари: юрид. фан. номз. дис. – Т.: ТДЮИ, 2003. -147 б.

<sup>8</sup> Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. –Т.: “Академия” 2013. 113 б.

такомиллаштириш муаммолари мавзусида<sup>9</sup>, А.У. Тўраевнинг юридик шахсларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий мақоми мавзусида<sup>10</sup>, А.Алимовнинг Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти: келажакка назар<sup>11</sup>, Кипр Республикасида кичик тадбиркорлик<sup>12</sup>, А.Р.Гиниятулин хорижий мамлакатларда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий тартибга солиш<sup>13</sup> мавзуларида бажарилган диссертация ишлари, авторефератлар ва илмий мақолалар ўрганилди. Ишда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятига оид назарий манбалар ва ҳуқуқий тартибга солишга оид миллий ва хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари таҳлил қилиниб, кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини илмий-назарий ва методологик жиҳатдан ўрганиш истикболлари бўйича фикр-мулоҳазалар асослантириб берилди.

**Тадқиқот услубларини** билишнинг илмий усуллари – тарихий, тизимли-таркибий, статистик, умумийликдан хусусийликка, мажмуавий ёндашиш, мантиқийлик, таққослаш, ҳуқуқий моделлаштириш, башорат қилиш ва қонун ҳужжатларини қўллашнинг илмий таҳлил этиш ташкил этади.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, магистрлик иши бўйича қилинган назарий хулосалар ва амалий таклифлар мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини ўқитиш жараёниди манба вазифасини бажариши мумкин деб ҳисоблаймиз.

---

<sup>9</sup> Алиев Ғ.Н. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ва уни такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. номз. дис. – Т.: ТДЮИ, 2001. – 194 б.

<sup>10</sup> Тураев А.У. Правовое положение юридических лиц как субъектов внешнеэкономических отношений. Тошкент, 1999.

<sup>11</sup> Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. - Т.: «Узбекистон», 1992.

<sup>12</sup> Васильев А.М., Васильев А.А Малый бизнес в Кипрской Республике. // Юрист вуза, журнал, август 2012. 15 б.

<sup>13</sup> Гиниятулин А.Р. Правовое регулирование деятельности субъектов малого и среднего предпринимательства в зарубежных странах. // Евразийский юридический журнал, 2012. №10. 12. с.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналиши сифатида “Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш” мавзусидаги магистрлик диссертациясини тадқиқ қилиш илк бор амалга оширилди ва фан ва амалиёт учун муҳим бўлган бир қатор назарий хулоса, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга тадқиқот ишининг ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий асослари илмий назарий таҳлил қилинди ҳамда уларга доктринал таъриф берилди;

- кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси хўжалик фаолиятининг алоҳида кўриниши сифатида ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлишлиги билан, кичик тадбиркорлик субъектларининг бевосита хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятига ҳуқуқий нормалар ёрдамида таъсир кўрсатиш жараёни деб эътироф этиш белгиланди. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъекти ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг жадаллашувига таъсир этиш, жамиятнинг янгиланишида муҳим бир стратегик тараққиёт институти сифатида хизмат қилиши илмий-назарий ва амалий томондан асослантирилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Диссертация кириш, еттита параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 80 бет бўлиб, унда ишга оид 200га яқин адабиётлардан фойдаланилган.

# **I БОБ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

## **1§. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг тушунчаси ва хусусиятлари**

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда<sup>14</sup>.

Маълумки, қонунчиликда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси белгиланмаган. Илмий назарий адабиётларда унинг тушунчаси мукамал тарзда ишлаб чиқилмаган. Бу тушунчани очиб беришда кичик тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаларини алоҳида ва мантиқий изчилликда таҳлил қилган ҳолда ягона хулосага келиш мумкин.

Тадбиркорлик тушунчаси 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги<sup>15</sup> Қонуннинг 3-моддасида белгиланган бўлиб, бу тушунчани кичик тадбиркорлик тушунчасига ҳам татбиқ қилинади. Унга кўра, кичик тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулк

<sup>14</sup> Каримов И.А.Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда.

жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир деб белгиланган.

Юқоридаги таърифда кичик тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини таваккалчилик асосида амалга ошириши, даромад олиши, ташаббускорлиги белгиланган. Кичик тадбиркор бозор ҳақидаги маълумотлар ва ахборотлардан доимо хабардор бўлиб туриши, зарур бўлган тақдирда ўз фаолиятига тезда ўзгартириш киритиш ва бозор шароитига мослашган ҳолда ортиқча ташвиш ва ҳаражатларсиз фаолият юритишга ҳаракат қилади. Чунки у рақобатга бардош бера олиши ҳамда кўпроқ даромад олиши лозим. Агар кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятда ташаббус кўрсата олмаса, у ўз олдида қўйган мақсадга эриша олмайди, рақобатга бардош бера олмайди ва натижада банкрот бўлиши мумкин. Бозор шароитида кичик тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини ўзи мустақил танлайди, белгилайди, режалаштиради ва уюштиради. Кичик тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини ўларибелгилайди.

Ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётларда ҳам кичик тадбиркорлик тушунчасига атрофлича тўхталиб, қатор олимлар томонидан фикрлар билдирилган<sup>16</sup>. Хусусан, Ж.Холовнинг фикрича, кичик тадбиркорлик муҳити – бу тадбиркорлик фаолиятини қонуний тарзда амалга оширишни ҳохловчи ишбилармон шахсларга бирон бир фаолиятни бошлаш ва уни амалга ошириш ёки юритиш, ривожлантириш, фаолият доираларини кенгайтириш жаҳон бозорларига чиқиш ва шу каби қатор имкониятлардан иборат объектив ва

---

<sup>16</sup>Батафсил қаранг: Абдуазизов Д. Кичик бизнес: Мувафакцияларнинг мустаҳкам асоси // Халқ сўзи 2013 йил 6 ноябр; Б. Абдувалиев Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қонун ҳимоясида. *Huquq va burch*. 2011 №4 24 с.; Ғойибназаров Б., Раҳмонов Х. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожлантиришнинг иқтисодий таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим. 2008. №2 51.б; А.Саидов Кичик бизнес унинг аҳамияти ва уни ривожлантиришнинг янги имкониятлар // Иқтисодий фикр инсон ҳуқуқлари. 2011. №1 7 б.; О.Бўриев., Ш.Искандаров. Маҳалла - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш маскани // Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. 2011 №.2 24 б.

субъектив омиллар мажмуасидир<sup>17</sup>. Бизнинг фикримизча, кичик тадбиркорлик фаолияти – кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланган миқдорда ходимлар сонига эга бўлган ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида таваккалчилик қилиб, даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир.

Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ҳам қонунчиликда аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Бинобарин, 2000 йил 26 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги<sup>18</sup> Қонуннинг 3-моддасига кўра, ташқи иқтисодий фаолият Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддасидан келиб чиққан ҳолда жисмоний шахс, яъни фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир. Юридик шахс ҳам кичик тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиб ҳисобланиши учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиши учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шунинг билан бирга, кичик тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олиши учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрь “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги<sup>19</sup> Қонунининг 9-моддасига кўра, ташқи иқтисодий фаолият масалалари бўйича, шу жумладан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва техникавий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш тўғрисидаги тақлифлар

---

<sup>17</sup> Холов Ж. Қулай тадбиркорлик муҳити шаклланиши ва ривожланишининг назорат асослари // Иқтисодиёт ва таълим журнал. 2013 №1 С.11.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 365-модда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мустақил равишда айтилган бир пайтнинг ўзида Ташқи ишлар вазирлигини оғоҳлантирган ҳолда киритилади. “Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини кафолатлари тўғрисида”ги<sup>20</sup> Қонуннинг 22-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга оширади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги валюта ҳисобварақларини очиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади. Товарлар импорт қилувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун уларнинг ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга асос бўлади.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий адабиётларда ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга айрим нуқтаи назарлар ҳам билдирилган. Хусусан, В.В. Покровская фикрига кўра, ташқи иқтисодий фаолият фирма ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш хўжалик ташкилий-иқтисодий ва тижорат функциясининг йиғиндисидир<sup>21</sup>. В.А.Бублик ташқи иқтисодий фаолиятни жаҳон бозорида амалга оширадиган иқтисодий субъектлар томонидан хўжалик фаолиятини халқаро хусусий ҳуқуқ, Россия ва чет эл ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиш сифатида тавсифлайди. Ташқи иқтисодий фаолият хўжалик фаолиятининг тури сифатида энг аввало, инсон фаолиятининг бир туридир. Бу фаолият ҳаракатни оддий йиғиндиси бўлмай ташқи савдо, инвестиция, ишлаб чиқариш кооперацияси ва халқаро айирбошлаш соҳасида бир-бири билан боғлиқ бўлган тадбирлар (ҳаракатлар)дан иборатдир. Ташқи иқтисодий фаолият тадбиркорлик фаолиятининг бир тури бўлиб, унга хос бўлган белгиларга эга<sup>22</sup>. В.Ф.Попондопуло ташқи иқтисодий фаолиятнинг умумий (хусусий

---

<sup>20</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда.

<sup>21</sup> Покровская В.В. Международные коммерческие операции и их регламентация. –М.: 1996. 24 с.

<sup>22</sup>Бублик В.А. Публично и часьно-правовые начало в гражданско-правового регулировании внешнеэкономической деятельности. дисс. док. юрид. наук. Екатеринбург 2000. 100 с.

аломатлари) ва махсус белгиларини ажратиб кўрсатади<sup>23</sup>. С.А. Асалхонованинг фикрича, ташқи иқтисодий фаолиятнинг умумий белгилари мустақиллик, таввакалчилик тусдалиги, махсус аломатлари эса узлуксиз фойда олиш ва давлат томонидан рўйхатдан ўтказишнинг мажбурийлигидан иборатдир<sup>24</sup>. И.А.Хамедовнинг фикрича, ташқи савдо деганда, давлатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси, товарларни олиб кириш ва олиб чиқишни ўз ичига олади<sup>25</sup>. Е.В.Туменок ташқи иқтисодий муносабатларга халқаро хўжалик, савдо, сиёсий муносабатларни қамраб оладиган товарлар айирбошлаш, иқтисодий ёрдам кўрсатишнинг турли хил шакллари, илмий-техник ҳамкорлик, ихтисослаштириш, ишлаб чиқариш кооперацияси, хизмат кўрсатиш ва биргаликдаги тадбиркорлик кабиларни киритади<sup>26</sup>. Ташқи иқтисодий фаолият бошқа давлатлар билан савдо, иқтисодиёт, техника, маданият, туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш фаолияти сифатида фикр-мулоҳаза билдираётган олимларнинг қарашлари ҳам диққатга сазовордир<sup>27</sup>. Бизнинг фикримизча, ташқи иқтисодий фаолият –юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий контрагентлар билан ўзаро хўжалик фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси тушунилади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, парламентимиз қабул қилган оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди<sup>28</sup>. “Бугунги кунда биз кичик бизнес

<sup>23</sup>Попондопуло В.А. Правовой режим предпринимательства СНГ. 1994. С 14-15.

<sup>24</sup>Асалхонова С.А. Понятие внешнеэкономической деятельности в Российском праве // Российская юстиция 2012. №9 8.с.

<sup>25</sup> Хамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари: Дарслик // “Адабиёт жамғармаси” нашр., 2001.-312 б.

<sup>26</sup>Туменок Е.В. Административно-правовое регулирование внешнеэкономической деятельности. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. М.: 2007. 9.с.

<sup>27</sup> Иванова Т.М. Российское предпринимательское право. М.: Т.Р.Велби, изд-во Проспект 2008. 892 с.

<sup>28</sup> Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир./ Т.: “Ўзбекистон” – 2012. 19 б.

ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотиқ, майда хунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда, замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз<sup>29</sup>.

Жаҳондаги ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳоли бандлигидаги улуши 45 фоизни, яъни ички маҳсулотдаги ҳиссаси 33 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда, сўнги расмий статистик маълумотларга қараганда, иш билан банд аҳолининг тўртдан уч қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида меҳнат қилмоқда, мазкур сектор мамлакат яъни ички маҳсулотининг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда<sup>30</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодиётдаги муҳим ўрнига ҳамда кичик бизнес корхоналарини давлатлар томонидан кредитлашни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирларга қарамай, бу борада ҳали қатор муаммолар мавжуд. Масалан, кичик бизнес корхоналари кўпинча уларнинг ривожланиши учун зарур бўлган молиявий маблағларни ололмайди ва қўллаб-қувватланмайди. Жаҳон миқёсида иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда расман ташкил этилган 45 фоиздан 55 фоизгача кичик ва ўрта бизнес корхоналари институционал заёмлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Молиялаштиришдаги бундай тафовут миллий иқтисодиётларга жиддий зарар етказиши мумкин. Етакчи иқтисодчилар кредитлашни чеклаш ва капитални нотўғри тақсимлаш натижасида келиб чиқадиган бундай зарарга тўғри баҳо бермаслик катта салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида

---

<sup>29</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.: “Ўзбекистон” – 2011. 17 б.

<sup>30</sup> Батафсил қаранг: Джанамитра Д. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012. 14 сентябр.

огоҳлантормоқда. Шу боис кичик ва микро корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларидан фойдаланиш, шубҳасиз иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бироқ бунда фирмаларнинг кредитни қайтариш имкониятларини ҳар томонлама баҳолаш ва уларнинг лойиҳалари иқтисодий жиҳатдан нақадар ҳаётий эканлигига асосланган ҳолда кредитлашнинг барқарор ўсишини кафолатлаш муҳимдир. Нафақат йирик бозорда ўз ўрнига эга фирмалар, балки янги, изчил ривожланаётган кичик ва микро корхоналарнинг кредитга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида молиявий воситаларни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси имкониятларини кенгайтириш, кичик ва хусусий корхоналар мавқеини ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд, деб айтиш учун барча асослар бор. Халқаро тадбиркорликда нафақат кичик бизнеснинг балки йирик бизнесни роли ҳам каттадир. Энг йирик 500 та трансмиллий корпорация жаҳон савдосининг 70 фоизини назорат қилмоқда. Шунингдек, ушбу давр оралиғида йирик бизнес замонавий кўринишга эга бўлиб, миллий ва халқаро монополиялар шаклланади<sup>31</sup>.

Ташқи иқтисодий муносабатларнинг икки даражаси фарқланади: биринчи - давлатлар билан халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги (шу жумладан давлат ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги) универсал, минтақавий, локал хусусиятга эга бўлган муносабатлар; иккинчи - турли давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги муносабатлар (улар жумласига “диагонал” муносабатлар, яъни давлат билан хорижий жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатлар ҳам киради).

Ҳуқуқий тартибга солиш деганда, ижтимоий муносабатларга давлатнинг ҳуқуқий нормалар ёрдамида таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади. Ҳуқуқий нормаларнинг тегишли гуруҳи билан мустаҳкамлаб қўйиладиган ижтимоий муносабатларнинг муайян шакли ҳуқуқий тартибга солишнинг предметини

---

<sup>31</sup> Батафсил қаранг: Абдусаломов Ф. Халқаро тадбиркорликда йирик бизнесни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари // Иқтисодиёт ва таълим. 2013 №1. Б. 82-85.

ташкил этади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий тартибга солиш иқтисодий муносабатларга давлатнинг ҳуқуқий нормалар ёрдамида таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Иқтисодий ва ҳуқуқий адабиётларда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасига махсус таъриф берилмаган бўлсада аммо, профессор-олимлар томонидан бу тушунчани айрим жиҳатларига эътибор қаратганлигини таъкидлаш жоиз<sup>32</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш деганда, кичик тадбиркорлик субъектлари билан хорижий контрагентлар ўртасидаги ўзаро хўжалик фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

## **2§. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги халқаро шартномаларнинг роли**

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда кичик тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда импорт-экспорт салоҳиятини оширишда икки томонлама ёки кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш халқаро тадбиркорлик муносабатларининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Энг аввало таъкидлаш жоизки, бундай шартномаларни тузишда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги, аҳамияти ва ривожини унинг муайян мамлакат миллий ҳуқуқ тизимида тутган ўрни, унга бўлган муносабати билангина эмас, тадбиркорлик субъектларининг авваламбор, кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида бевосита қўлланилишига ҳам узвий боғлиқдир.

---

<sup>32</sup>Нуриев А.Х. Малых бизнес частных и публичных интересов в развитии международного инвестиционного праве // Международное публичное и частное право 2013 №5 с.14; Белоусов А.А. О принципе динамичности правовое понятия // Государство и право 2013 №8. С 5-14; Палеев Р.Н. Правовой статус субъектов предпринимательской деятельности // История государства и праве 2012. №32.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак. Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш зарур<sup>33</sup>.

Бугунги кунда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда нафақат миллий қонунчиликни, балки халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, халқаро шартномаларда белгиланган нормаларни кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қўллашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, айниқса, уларнинг халқаро-ҳуқуқий нормаларни ықллаш қўшникмаларини шакллантириш масалалари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 7-моддасига мувофиқ, агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади. Дарҳақиқат, халқаро тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишда халқаро шартномаларнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида халқаро шартноманинг тушунчаси берилган. Халқаро шартномаларнинг шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деган номларда имзоланади. Шунингдек, халқаро шартномалар унда иштирок этувчи

---

<sup>33</sup>Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: - “Ўзбекистон” – 2010. 64-б.

субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири сифатида кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда қатор халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалар ва халқаро шартномалар муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта фонди, реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, ривожланиш халқаро ассоциацияси, халқаро молия корпорацияси, кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка аъзолиги тўғрисидаги 1992 йил 2 июлдаги Қонун<sup>34</sup>, “Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги (Вашингтон, 1965 йил 18 март) 1993 йил 7 майдаги Конвенция<sup>35</sup>, “Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида” (Нью-Йорк, 1958 йил 10 июн) 1995 йил 22 декабрдаги Конвенция<sup>36</sup>, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Товарларни халқаро олди сотди шартномаси тўғрисида” (Вена, 1980 йил 11 апрел) 1996 йилдаги Конвенция<sup>37</sup>, 2006 йил 20 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим<sup>38</sup>, “Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида 1997 йил 15 январда тузилган Шартнома<sup>39</sup>, 2009 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Битим<sup>40</sup>, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Баҳрайн Қироллиги Ҳукумати ўртасида “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 333-модда.

<sup>35</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994 йил, N 5, 153-модда.

<sup>36</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси», 1995 йил, N 12, 274-модда.

<sup>37</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси», 1996 йил, N 9, 157-модда.

<sup>38</sup>Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2007 й., 2-3-сон.

<sup>39</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 481-модда.

<sup>40</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 512-модда.

химоя қилиш тўғрисида” 2009 йил 16 ноябрдаги Битим<sup>41</sup>, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Венгрия Республикаси Ҳукумати ўртасида 2011 йилнинг 7 ноябрдаги “Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим<sup>42</sup>, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида”ги 2011 йил 6 июндаги Битим<sup>43</sup>, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида “Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида”ги 2011 йил 5 майдаги Битим<sup>44</sup>, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Туркменистон ўртасида “2013-2017 йилларда иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги 2012 йил 2 октябрдаги Шартнома<sup>45</sup>, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2013 йил 15 апрелдаги Битим<sup>46</sup>, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Руминия Ҳукумати ўртасидаги “Иқтисодиёт, саноат ва техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида” 2013 йил 28 июндаги Битим<sup>47</sup> лар шулар жумласидандир.

2006 йил 20 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим<sup>48</sup> кичик тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги махсус шартнома ҳисобланади. Ушбу шартноманинг 2-моддасида ҳамкорликнинг мақсадлари белгиланган бўлиб, унга кўра, кичик ва хусусий тадбиркорлик борасидаги сиёсатни ривожлантириш мақсадида илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш учун томонлар ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликни кучайтириш; томонларнинг кичик ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-

---

<sup>41</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 3-модда.

<sup>42</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 10-сон, 101-модда.

<sup>43</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 310-модда.

<sup>44</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 300-модда.

<sup>45</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 483-модда.

<sup>46</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 й., 6-сон, 146-модда.

<sup>47</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 509-модда.

<sup>48</sup>Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2007 й., 2-3-сон.

қувватловчи ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш; янги корхоналар ташкил этиш, шунингдек амал қилаётган корхоналар учун механизм ҳамда услублар дастурини белгилаш; кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан халқаро стандартлар асосида технологик ҳамда ташкилий инновацияларни яхшилашга йўналтириш учун мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар ва чораларни белгилаш; кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, хусусан, қўшма таълим тизимлари, бизнес-инкубаторлар ва технопарклар орқали махсус лойиҳаларни тузиш; кичик ва хусусий тадбиркорлик кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ушбу соҳадаги мутахассисларнинг малакасини ошириш; кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришга қаратилган бевосита инвестициялар, шу жумладан имтиёзли кредитлар жалб қилишга кўмаклашиш белгиланган. Бу битимни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон томонидан Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ваколатлар берилган.

Тадбиркорлик субъектларининг жаҳон бозори талабларига жавоб бериши ҳамда уларнинг экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигининг ҳуқуқий мезонларини аниқлаш концептуал вазифа ҳисобланади<sup>49</sup>. Илмий адабиётларда чет эл элементи билан боғлиқ битимларни тузишга қаратилган фаолият одатда “ташқи иқтисодий” ёки “ташқи савдо” деб аталади. Аммо ушбу атамалар давлатнинг бу соҳадаги кўп қиррали фаолиятининг мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Шу боис сўнгги йилларда халқаро тусдаги тадбиркорлик фаолияти деган атама кенг қўлланилмоқда<sup>50</sup>. Юридик адабиётларда, халқаро савдо муносабатларини тартибга солишнинг айрим жиҳатларига аҳамият берилган<sup>51</sup>. Чили олим М.В. Диас Милиан Де Ханиш

<sup>49</sup> Қаландарова М. Бозор шароитида тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий мақомини белгилаш масалалари // Олий ҳўжалик суди ахборотномаси 2013. №2 – 41 б.

<sup>50</sup> Қривенкова М.В. Особенности участия государства в предпринимательской деятельности международного характера // Международное частное право. 2012- №3. С. 4-6.

<sup>51</sup> Бу ҳақида батафсил қаранг: Хорманн Е.А. Торговле право ЕС и Венская Конвенции ООН о договорах международной купли продажа товаров закон и право // закон и право 2013 №7 С.68; В.А.Зернов, В.А. Минаев Инновационное обучение и бизнес процессы в международных сетевых сметах // Высшее

таъкидлашича, жаҳоннинг турли минтақаларида мавжуд интеграция моделлари катта ёки кичик жихатдан европа тафаккури таъсири остида бўлади<sup>52</sup>.

Миллий ҳуқуқий ҳужжатларни давлатлараро шартномаларга мувофиқ тарзда муайян даражада бирхиллаштириш ҳозирги босқичда ушбу муаммонинг энг мақбул ечими ҳисобланади. Яъни халқаро ҳуқуқнинг қоида ва меъёрлари амалиётда миллий қонун ҳужжатлари орқали рўёбга чиқарилади. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий бошқариш стратегиясининг ўзига хослигини ҳамда ҳам минтақавий миқёсда, ҳам алоҳида мамлакатлар даражасида савдо иқтисодий ҳамкорлигининг тегишли устуворликларини белгилаб беради<sup>53</sup>.

Боз устига кундалик ҳаёт ва бизнеснинг барча янги ва янги соҳаларини тартибга солиш учун халқаро ҳуқуқ ривожланиб ҳар бир давлатнинг қонунчилигида янада катта рол ўйнамоқда<sup>54</sup>. Бизнинг фикримизча, халқаро шартномалар кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда хизмат ролининг ёритиб берилиши ўз истиқболига эга. Халқаро глобаллашув жараёнининг жадаллашуви халқаро бизнес соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда нафақат давлатларнинг ички қонун ҳужжатлари балки ҳар бир давлатнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда тузиладиган ва ҳар бир давлат ўз зиммаларидаги мажбуриятларини бажариш белгиланган халқаро шартномалар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида Иқтисодий-савдо ҳамкорлик тўғрисида

---

образование 2013 №6. С.9; Жуковская И., Эгоров А. Электронная коммерция важный фактор современной международной отношений // Иқтисодиёт ва таълим №3 С. 18; Нуриев А.Х. Место бомисе частных и публичных интересов в развитии международного инвестиционного праве // Международное публичное и частное право 2013 №5 с.14.

<sup>52</sup>Диас Милиан Де Ханиш М.В. Основы и природа правовой интеграции // Правоведение. -2001- №6. С. 173-178.

<sup>53</sup>Хамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Дарслик / масъул муҳаррир Ҳ.Бобоев. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси нашр, 2001. Б. 18-19.

<sup>54</sup>Алимов К. Становление науки международного праве в Узбекистане: попытки постановки теоретических проблем // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари / масъул муҳаррир Ф.Ҳ. Отахонов –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2006 – 495.б.

1992 йил 27 июнда имзоланган Битимга мувофиқ тузилган Ўзбек-Покистон савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия ташкил этилган эди. “Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги<sup>55</sup> Битим имзолангач, кўшма комиссия доирасида кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамкорлик бўйича Кичик комиссия ташкил этилди. Кичик комиссия куйидаги мақсадларга йўналтирилган тажриба лойиҳаларини амалга оширади: кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ йўналтирилган дастурларни ривожлантириш ва амалга ошириш; кичик бизнес корхоналарини техник жиҳозлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш; икки мамлакат инвесторлари иштирокида кўшма корхоналар ташкил этиш; икки мамлакатнинг кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида устувор йўналишлар бўйича бевосита алоқаларни ўрнатишга кўмаклашиш ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, кичик тадбиркорлик субъектларининг жаҳон бозорларига эркин чиқиши, импорт-экспорт муносабатларини ривожлантириш муҳим масалалардан биридир. Бу борада махсус ваколатли орган сифатида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги муҳим ўрин тутди. Ушбу вазирлик ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда давлат бошқаруви ваколатли органи ҳисобланиб, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳасида республика корхоналари, шу жумладан кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспорт қилишни ташкил этишда қатнашади, хорижий бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда корхоналарга кўмаклашади. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш мақсадида бир қатор ривожланган давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда. Хусусан, Корея Саноат Федерацияси,

---

<sup>55</sup> [www.yurida.uz](http://www.yurida.uz)

Сингапур Иқтисодиёт вазирлиги, Бирлашган Араб Амирликлари Иқтисодиёт вазирлиги, Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги, Ҳиндистон Саноат Конфедерацияси, Бразилия федератив Республикаси Ривожлантириш саноат ва ташқи савдо вазирлиги, Ўмон Султонлиги Миллий иқтисодиёт вазирлиги, Словакия Иқтисодиёт вазирлиги шулар жумласидандир<sup>56</sup>.

Мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда Савдо-саноат палатасининг ўрни бекиёсдир. Хусусан, кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, кичик тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси муҳим ўрин тутди. Савдо саноат палатасининг асосий вазифаларидан бўлиб, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш ҳисобланади. Бу борада 2005 йил 25 майда Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси билан Хитой халқаро савдони ривожлантириш кўмитаси, Хитой халқаро савдо палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Битим<sup>57</sup> имзоланди. Бу Битим Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси компаниялари, корхоналари, ташкилотлари ва тадбиркорлари ўртасида савдо-иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида тузилган. Битимга кўра, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Хитой Халқаро савдони ривожлантириш кўмитаси, Хитой Халқаро савдо палатаси икки мамлакатнинг компания, корхона, ташкилотлари ўртасида алоқаларнинг ривожланишига кўмаклашадилар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат асосида ривожланишига улкан аҳамият қаратадилар. Шунингдек,

---

<sup>56</sup> [www.yurida.uz](http://www.yurida.uz).

<sup>57</sup> [www.yurida.uz](http://www.yurida.uz).

семинарлар, симпозиумлар, анжуманлар, ишбилармон доираларнинг учрашувлари ва бошқа шу каби тадбирларДА фаол ташкил қиладилар ёки иштирок этадилар. Шу билан бирга, икки мамлакатнинг иқтисодиёти тўғрисида, товарлар ва хизматлар миллий бозори ривожланиши тўғрисида ахборот алмашадилар ҳамда ушбу ахборотни икки мамлакатнинг компания, корхона, ташкилот ва ишбилармонлари ўртасида оммалаштирадилар ҳамда икки мамлакат ҳудудида ташкил этилган кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этадилар ҳамда зарур шарт-шароитларни яратадилар. Ҳакамлик, ихтироларни патентлаш, товар белгиларини руйхатга олиш, юридик хизматлар соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратадилар ҳамда Ўзбекистон ва Хитой давлатининг корхоналар, ташкилотлар, фирмалар ва тадбиркорларига ўзаро кўмаклашадилар ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка тўсқинЛИКларини бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни келишиш мақсадида мунтазам равишда маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

Ҳозирги глобал инқироз стандарт ёндашувлардан воз кечиш зарурлигидан далолат бермоқда ҳамда аслида глобаллашув жараёнини бошқариш тизимини яратишга қаратилган жамоавий, халқаро доирада келишилган қарорлар қабул қилинишини тақозо этмоқда<sup>58</sup>.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ривожланган давлатлар билан икки томонлама ҳамкорликнинг аҳамияти ҳам катта. Ўзбекистоннинг ана шундай ҳамкор давлатлардан бири Польша ҳисобланади. Польша Европа Иттифоқи давлатларида иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича нуфузли ўринни эгалламоқда. 2007 йилдаги 2012 йиллар Польша товар ва хизматлар кўрсатиш 40%, 2011 йил охирида 140 млн еврога этди. Бу Польша иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини тасдиқлайди. Польша Европада Германиядан кейин чет эл капиталини жалб этиш бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Сўнгги уч йилда

---

<sup>58</sup>Қорабоева Д. Халқаро валютанинг жаҳон молия тизимидаги ўрни // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари 2012. №3 Б. 44-47.

тўғридан-тўғри инвестициялар жами 23 млрд еврони ташкил этади<sup>59</sup>. Ҳамкор давлатлар ичида Латвия ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Латвия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Энг кўп қулайлик яратиш тизими самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда қарийб 20 фоиз ўсиб, 246 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, бу кўрсаткич 126 миллион долларни ташкил этди. Ўзаро инвестициявий ҳамкорлиги ривожланмоқда. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокидаги 22 корхона фаолият юритмоқда. Латвияда эса мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қирқдан ортиқ корхоналар ишлаб турибди<sup>60</sup>. Ҳиндистон давлатида кичик ва ўрта тадбиркорликни давлат-хусусий кўплаб қувватлашнинг аҳамияти ҳам беқиёсдир<sup>61</sup>. Ҳиндистоннинг 95% барча саноат корхоналари кичик бизнес ҳиссасига тўғри келиб ўша даврда саноат маҳсулотларининг 40% ва тўғридан-тўғри экспортнинг 35%ни ташкил этди. Ҳиндистоннинг кичик компания фаолиятининг асосий йўналиши фермерлик, ахборот ва юқоритехнология соҳаларидир. Сўнгги 10 йилда саноат ишлаб чиқариш 50%, юқори технология маҳсулоти экспортининг ҳажми 65%га ўсди<sup>62</sup>. Кипр Республикаси кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг афзаллиги энг аввало, либерал солиқ қонунчилиги мавжудлиги билан изоҳланади<sup>63</sup>.

Халқаро шартномаларнинг таҳлили кўрсатишича, аксарият халқаро шартномаларда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмаган. Шу боис халқаро шартномаларда кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятига оид томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилашга устувор жиҳатдан аҳамият бериш зарур.

---

<sup>59</sup> Бизнес-вестник Востока 2013- 25 октябрь.

<sup>60</sup> Маҳалла. 2013 – 19 октябрь.

<sup>61</sup>Беликова К.М., Ахмедова М.А. Государственно-частная поддержка деятельности субъектов малого и среднего предпринимательства в Индии: некоторые аспекты // Гражданское право. 2013 №3. С.39-40.

<sup>62</sup> Механизмы государственной поддержки семейное предпринимательства: анализ международного опыта. М.: изд-во МГУ. 2010. 194.с.

<sup>63</sup>Батафсил каранг: Васильев А.М., Васильев А.А. Малый бизнес в Кипрский Республики // Юрист вуза 2012 август. С 44-51.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятига оид инфратузилмалар тобора ривожланиб бораётганини инобатга олиб, бу борада давлатлараро ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш айниқса, халқаро хўжалик шерикчиликда товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида давлатлар томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш зарур. Бундан ташқари, кичик тадбиркорлик субъектлари товарлар экспортини давлат ва нодавлат ташкилотлари қўллаб-қувватлашдан ташқари, халқаро молия институтлари иштирокидаги ҳамкорлик доирасини ривожлантириш ҳам устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олиб, халқаро иқтисодий алоқадорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш халқаро бозорда рақобатбардош маҳсулотлар экспортини таъминлаш имкониятини яратади.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятига кўмаклашиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, халқаро шартномаларни амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб, асослантирилган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни зарурият қилиб қўймоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни туб моҳияти ҳам ушбу соҳа субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг импорт-экспорт салоҳиятини оширишни назарда тутди. Юртбошимиз И.Каримов эътироф этганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим<sup>64</sup>. Кичик тадбиркорлик соҳасида халқаро иқтисодий ҳамкорликни халқаро шартномалар билан тартибга солиш ягона бозорни шакллантириш ва ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга ёрдам

---

<sup>64</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омили // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 й. 8 декабр.

беради.

Шундан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини таъминлашда қуйидаги бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўришни тақазо этмоқда: биринчидан, ривожланган давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорда эркин фаолият юритишини таъминловчи икки ва кўп томонлама халқаро шартномаларни имзолаш; иккинчидан, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини халқаро шартномаларда назарда тутилган қоидаларга оид амалий қўлланма тайёрлаш; учинчидан, халқаро шартномалардаги тарафлар ўртасида кичик тадбиркорлик субъектлари учун ташқи иқтисодий фаолият бўйича ўқув дастурлари, семинарлар, кўргазмалар, тажриба алмашишларни ташкил этиш ва ўтказиш; тўртинчидан, давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий муносабатларга киришишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг тегишли органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик ва тажриба алмашишини самарадорлигини янада ошириш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини самарадорлигини оширишда Евросиё ҳамжамияти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида кичик тадбиркорликка оид қонунчиликни яқинлаштириш лозим. Бу эса умумҳуқуқий тараққиётни, айниқса ягона бозор механизмларини ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, ягона кичик тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик Концепциясини яратиш, умумтадбиркорлик ва молиявий глобаллашув шароитида умум стандарт ва талабларга мос равишда қонунларни ишлаб чиқиш, халқаро ҳуқуқий тизимда ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга эришиш, Европа континентал ҳуқуқига мос тарзда уни амалга ошириш, бошқача айтганда, халқаро ҳуқуқий глобаллашув жараёнини яхлит ифода этиш бу соҳани ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажаради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мамлакатнинг иқтисодий юксалиши ва ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, жаҳон бозорига ўз маҳсулотларини олиб киришида қўмаклашиш ҳамда улар фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

### **3§. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини миллий қонунчилик асослари**

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш муҳим ўрин тутди. Айниқса, ҳуқуқий асосларни тизимли таҳлил этиш ва такомиллаштириш устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала – мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда<sup>65</sup>.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш эркин бозорни ташкил этиш, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини юксалтириш, айниқса рақобатбардош маҳсулотларни ташқи бозорга экспорт қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган. Ушбу муносабатлар самарали ҳуқуқий воситалар билан тартибга солинмас экан, кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш борасида кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун республикаимизда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, хусусан, уларнинг хорижий контрагентлар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

---

<sup>65</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 61-б.

Ҳуқуқий адабиётларда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга оид турил нуқтаи назарлар мавжуд. Чунончи, О.Н.Голочко ташқи иқтисодий фаолиятни халқаро иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган хўжалик муносабатларнинг яхлит мажмуаси бўлиб, ташқи иқтисодий фаолиятни характерлайдиган мустақиллик, яхлитлик, ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хослиги, ўзининг тушунчавий аппарати ва ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжудлигига алоқадор бўлган фақат ушбу муносабатни тавсифлайдиган махсус жиҳатларига эгадир деб тушунилади<sup>66</sup>. В.А.Бублик ташқи иқтисодий фаолиятни жаҳон бозорида амалга оширадиган иқтисодий субъектлар томонидан хўжалик фаолиятини халқаро хусусий ҳуқуқ, Россия ва чет эл ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиш сифатида тавсифлайди<sup>67</sup>.

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолияти имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий корхоналар мавқеини ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд, деб айтиш учун барча асослар бор. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида давлат, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро тараққиёт уюшмасининг тенг ҳуқуқли аъзосидир, кўплаб чет эл давлатларининг компаниялари ва банклари билан бевосита савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Жумладан, Жаҳон банки ва халқаро молия корпорацияси вице-президенти Джанамитра Деван ўз нутқида, Жаҳон банки Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик муносабатларини кўллаб-қувватлаш, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда умуман иқтисодиётнинг янада ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда ёрдам беришга тайёр<sup>68</sup>, деб таъкидлаган эди.

---

<sup>66</sup>Голочко О.Н. Проблемы государственного регулирования внешнеэкономической деятельности // Право и демократия. 1998 Випуск-9 4.с.

<sup>67</sup>Бублик В.А. Публично и частью-правовые начало в гражданско-правового регулировании внешнеэкономической деятельности. дисс. док. юрид. наук. Екатеринбург 2000. 100 с.

<sup>68</sup>Джанамитра Д. «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012. 14 сентябр.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кичик тадбиркорлик соҳасига оид халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва халқаро шартномалар;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунлар;
- қонун ости меърий ҳужжатлар.

Миллий қонунчиликда кичик тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормалар назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳуқуқ манбаси сифатида мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият йўналишида қонунчилигини яратиш ҳамда ривожлантиришга кенг имконият яратиб берди. Бинобарин, Конституциянинг 15-моддасининг мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинishi, 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги, 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, 53-моддасида Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши ва иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши, 54-моддасида мулкдор мулкига ўз хошишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни эркин тасарруф этиши ҳақидаги кафолатлар белгиланган. Ушбу конституциявий нормалар кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси алоҳида ўрин эгаллайди. Дарҳақиқат, ФКнинг VI бўлими халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш деб номланиб, бу бўлимда ташқи иқтисодий фаолиятда

иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриялари, шахсий номулкий ҳуқуқлари, улар томонидан тузиладиган битимлари, ашёвий ҳуқуқлари, шартнома мажбуриятлари ҳамда шартномадан ташқари мажбуриятлар белгиланган.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг роли ҳам бекиёсдир. Хусусан, 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги<sup>69</sup>; 2004 йил 26 августда «Экспорт назорати тўғрисида»ги<sup>70</sup>; 1995 йил 30 августда «Концессиялар тўғрисида»ги<sup>71</sup>; 1995 йил 25 апрелда «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги<sup>72</sup>; 1996 йил 29 августда «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги<sup>73</sup>; 1998 йил 30 апрелда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги<sup>74</sup>; 1998 йил 30 апрелда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги<sup>75</sup>; 1998 йил 24 декабрда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги<sup>76</sup>; 2003 йил 11 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги<sup>77</sup>; 1998 йил 29 августда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги<sup>78</sup>, 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги<sup>79</sup> Қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 июлда «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш тўғрисида»ги<sup>80</sup> ПФ-1205-сонли; 1997 йил 10 октябрда

<sup>69</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда.

<sup>70</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 223-модда.

<sup>71</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда.

<sup>72</sup>Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 39-сон, 424-модда.

<sup>73</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 126-модда.

<sup>74</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 584-модда.

<sup>75</sup>Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда.

<sup>76</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 1-модда.

<sup>77</sup>Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 37-сон, 403-модда.

<sup>78</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 51-сон, 542-модда.

<sup>79</sup>Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда.

<sup>80</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 7-8-сон, 160-модда; 2003 й., 6-7-сон, 93-модда.

“Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ1871-сон, 1998 йил 18 февралда «Импорт операцияларини тартибга солишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги<sup>81</sup> ПФ-1930-сонли; 2003 йил 26 сентябрда «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги<sup>82</sup> ПФ-3321-сонли; 2005 йил 11 апрелда «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги<sup>83</sup> ПФ-3594-сонли; 2005 йил 25 июлда «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги<sup>84</sup> ПФ-3631-сонли; 2012 йил 10 апрелда “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>85</sup> ПФ-4434-сонли, 2012 йил 18 июлда “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>86</sup> ПФ-4455-сонли; 2014 йил 7 апрелда “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли Фармонлари қабул қилинди. Бундан ташқари, 2005 йил 11 мартда «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги<sup>87</sup> ПҚ-26-сонли; 2005 йил 19 сентябрда «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги<sup>88</sup> ПҚ-183-сонли; 2007 йил 4 январда «Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги

---

<sup>81</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 3-сон, 41-модда.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 164-модда.

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 15-16-сон, 109-модда

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 206-модда

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон, 150-модда.

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда; 2013 й., 36-сон, 477-модда, 45-сон, 584-модда.

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 10-11-сон, 72-модда, 2005 й., 40-сон, 304-модда, 37-38-сон, 284-модда.

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 304-модда.

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>89</sup> ПҚ-554-сонли; 2008 йил 24 июлда «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>90</sup> ПҚ-927-сонли; 2009 йил 5 августда “Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>91</sup> ПҚ-1169-сонли; 2013 йил 8 августда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>92</sup> ПҚ-2022-сонли қарорлари бу борадаги муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу аснода, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №-343-сонли; 1996 йил 10 сентябрдаги «Экспорт операцияларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-309-сонли; 1998 йил 24 февралдаги «Импортни тарифлар билан бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-80-сонли; 1998 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №-137-сонли; 2001 йил 2 февралдаги «Ташқи савдо фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-66-сонли; 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №-205-сонли; 2003 йил 15 августда “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №-355-сонли; 2011 йил 17 ноябрда “Экспорт операцияларини «бир дарча» тамойили бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №-305-сонли; 2011 йил 13 декабрдаги “Ташқи савдо

---

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 1-2-сон, 6-модда.

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 282-модда.

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 32-33-сон, 359-модда.

<sup>92</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 08.08.2013 й., 155 (5829)-сон.

операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1996 йил 13 мартдаги 95-сон Қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги №-329 сонли қарорлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқаро глобаллашув шароитида иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг ривожланиши ўз навбатида, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб, асослантирилган ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни зарурият қилиб қўймоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни туб моҳияти ҳам ушбу соҳа субъектларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган. Бизнинг фикримизча, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш деганда, кичик тадбиркорлик субъектларнинг хорижий контрагентлар билан товар (иш, хизмат)лар муомаласини ҳамда импорт-экспорт операцияларини амалга ошириш, инвестиция, ишлаб чиқариш кооперациясини ҳуқуқий таъминлашга оид оммавий ва хусусий ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

Кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўришни тақазо этмоқда: биринчидан, ривожланган давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини махсус ҳуқуқий тартибга солиш; иккинчидан, кичик тадбиркорлик субъектлар ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш; учинчидан, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида давлат ва хусусий шерикчиликни таъминлаш; тўртинчидан, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий асосларига оид амалий қўлланма тайёрлаш; бешинчидан, кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи

иқтисодий фаолиятига оид ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида илмий-амалий семинарлар (тренинглар) ташкил этиш; олтинчидан, кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда тегишли хорижий тилларни ўрганиш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, Юртбошимиз И.Каримов эътироф этганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим<sup>93</sup>.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этиш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда юртимизда кичик тадбиркорлик асосан савдо-сотик, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ривожланаётганлиги маълумдир. Айниқса, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг самарадорлигини оширишни талаб этмоқда.

### **I боб бўйича хулосалар:**

Тадқиқот натижасида кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид назарий таъриф ишлаб чиқилди, яъни кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш деганда, кичик тадбиркорлик субъектлари билан хорижий контрагентлар ўртасидаги ўзаро хўжалик

---

<sup>93</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – таракқиётимизнинг муҳим омили // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 й. 8 декабр.

фаолятини амалга оширишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

Шунингдек, мавзуни ўрганиш давомида қуйидаги таклифлар бўйича фикр-мулоҳазалар асослантириб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолятини кафолатлари тўғрисидаги Қонун қабул қилиши лозим. Чунки бундай қонунчилик тажрибаси кўплаб хорижий давлатлар тажрибасида кузатиш мумкин.

1. Келгусида кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича докторлик диссертацияси доирасида монографик тадқиқот ишларини амалга ошириш зарур;

2. Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолятини амалга оширишда қўлланиладиган ҳужжатлар намуналарини ўз ичига олган амалий қўлланма тайёрлаб чоп этиш;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг “Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолятида қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Пленум қарори лойиҳасини тайёрлаш;

4. Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолятига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш ва нашр этиш;

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаоляти тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

6. Хорижий давлатларнинг илғор қонунчилик тажрибасини инобатга олиб “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш;

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолят тўғрисида”ги Қонунга шарҳлар тайёрлаб барча кичик тадбиркорлик субъектларига етказиб бериш чораларини кўриш зарур;

## **II БОБ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **1§. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши**

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорлик фаолиятини эркин ривожланишини давлат-ҳуқуқий механизмининг ёрдамсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тараққиётнинг “ўзбек модели” давлатимиз тараққиётининг миллий стратегияси сифатида хизмат қилиб иқтисодий соҳада ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритиш имкониятини яратмоқда. Зеро, кичик тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий йўлларида бири ҳисобланади. Ҳар қандай юксак тараққий этган жамият ўз тадбиркорини ҳимоя қилади ва қонуний рақобатни таъминлайди. Ҳозирги кунда нафақат ички балки ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш бозор иқтисодиёти амал қилиши механизмининг ажралмас элементи бўлиб ҳисобланади. Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда “Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур<sup>94</sup>”.

Дарҳақиқат, назарий жиҳатдан давлат ва хусусий секторларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти тўғрисида жуда кўп назарий тортишувлар, турли фикрлар мавжуд<sup>95</sup>, аммо бозорнинг ўзини ўзи тартибга солиш механизмидаги

---

<sup>94</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

<sup>95</sup> Батафсил қаранг: Толочко О.Н. Проблемы государственного регулирования внешнеэкономической деятельности // Право и демократия 1998 Вин 9. С.4; Рубин Е.П. Правовое проблемы государственного регулирования рыночной экономики и предпринимательства : дисс.докт.юр.наук. М.: 2005. С32; Ефимцева Т.В. Правовое положение малых инновационных предприятий. Юрист №18. 2012. С.18; Нарзиев О.

узилишлар, тез-тез такрорланиб турадиган инқирозлар, ишсизлар, инфляция, аҳоли табақалашувининг кучайиб бориши оқибатида ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби вазифаларни вужудга келиб туриши давлатнинг иқтисодиётга аралашувини зарурият қилиб қўяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида замонавий давлатнинг амалга оширадиган ички функциясига иқтисодий соҳада ислохотларни бардавомлилигини таъминлаш киради. Давлатнинг иқтисодий функциясининг қўйидаги таркибий белгилари мавжуд: а) давлатнинг иқтисодий ривожланишини умумий дастурини ишлаб чиқиш; б) иқтисодиётнинг устувор тармоқларини рағбатлантириш; в) тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш; г) бандликни янги сиёсатини шакллантиришдир<sup>96</sup>. С.А.Камаровнинг фикрича, демократик давлатнинг иқтисодий функцияси ишлаб чиқариш воситаларида мавжуд турли мулк шакллари ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви жараёнлари чегаралаган бўлиши керак деб ҳисоблайди<sup>97</sup>. Т.Н.Клепцова давлатнинг ички функциясини қўйидаги турларга ажратади: а) иқтисодий, б) социал, в)сиёсий, г) маънавий<sup>98</sup>. В.С.Афанасьев давлатнинг иқтисодий функцияси деганда - иқтисодиётнинг нормал фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш, шу жумладан бевосита барча хусусий мулк шакллари муҳофаза қилиш, жамоат ишларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш фаолияти тушинилишини асослаб берган<sup>99</sup>.

Давлатнинг иқтисодиётни эркинлаштиришда ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти беқиёсдир. Бу борада Г.Петрова ва А.Золатаревалар қўйидагича фикр билдиришган. Биринчидан, шахслар ва фирмалар уларга “текинга” ҳавола этилган ҳуқуқий нормалар орқали ўзларига маъқул фаолият

---

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг такомиллашуви // Олий хўжалик суди Ахборотномаси 2013 №3 43.Б; Халилов Д. Инвестиции иностранне поддержка государственная // Правда Вестник 2013 5-ноябр;

<sup>96</sup> Исламов З. Общество. Государство и право Т.: -Адолат, 2001.С. 223.

<sup>97</sup> Основы государство и права. –М. Русское слово, 1997. С.24.

<sup>98</sup> Клепцова Т.Н. Основы государства и права. –М.: Юрист, 2002. С.19.

<sup>99</sup> Афанасьев В.С. Теория права и государства. –М.: Право и Закон, 1996. С.-285.

ёки соҳанинг стратегиясини танлаб олади. Бу ўз навбатида икки йўналишда яъни, қонун нормаларини билиши оқибатида қайси соҳа ёки тармоқда фаолият кўрсатиши фойдали эканлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлиши, иккинчи йўналишда эса юридик ва жисмоний шахслар фаолияти фақат қонун ҳужжатларига таяниб олиб борилиши натижасида уларни турли жавобгарлик ва хавфлардан ҳимоя қилади. Иккинчидан, ҳуқуқий нормалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кафолати вазифасини ўташ билан бир қаторда, иқтисодий зонада маълум даражада барқарорликни таъминлаб туришга хизмат қилади<sup>100</sup>.

Мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш ўзаро бир-бирини мантиқан тўлдириб боровчи жараён сифатида қаралиб, ушбу жараёнларни ҳуқуқий воситалар билан тартибга солиш изчиллик билан давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги<sup>101</sup> қонун бу фаолиятни тартибга солувчи махсус ҳужжат ҳисобланади. Қонуннинг 17-моддасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш белгиланган. Унга кўра, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш орқали тартибга солинади. Бу фаолият давлатнинг ваколатли органлари томонидан амалга оширилади. Қонуннинг 18-моддасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари берилган. Унда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши; Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини, иқтисодий мустақиллиги ва иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши; ташқи иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиши; Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини ишлаб чиқиши; чет элдан олиндиган

<sup>100</sup> Петрова Г., Золотарева А.. Правовое обеспечение экономических реформ. – М.: 2000. 9 с.

<sup>101</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда.

кредитлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолатларини бериши; Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши белгиланган.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари Қонуннинг 19-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат сиёсати олиб борилишини, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишига доир вазифалар бажарилишини таъминлайди; ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизи такомиллаштирилишига доир таклифларни ишлаб чиқади; қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради; ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарув органлари ишини мувофиқлаштиради.

Товарлар айрим турларининг экспорти ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар (квоталар) белгилаши мумкин. Квоталарни тақсимлаш, қоида тариқасида, танлов ёки ким ошди савдоси асосида амалга оширилади. Экспорт ва импорт қилиниши, лицензияланиши ҳамда квоталаниши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек, лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди. Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий

инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирларни қўриб боришни тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>102</sup> ПФ-4434-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт

---

<sup>102</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон, 150-модда.

муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлилиги белгиланди. Шунингдек, қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>103</sup> ПФ-4354-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш; тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ҳисоботлар тизими

---

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 344-модда; 2012 й., 52-сон, 586-модда; 2013 й., 45-сон, 584-модда.

хамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмини уларни электрон тизим бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тубдан соддалаштириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва либераллаштириш каби имтиёзлар белгиланди. Бу эса мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларининг нафақат ички бозорга балки дунё бозорига ўз маҳсулотларини олиб чиқишда кенг имкониятлар яратмоқда.

Маълумки, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, кичик тадбиркорлик субъектларини бу фаолиятга жалб қилиш ва уларнинг чет эллик шериклар билан иқтисодий муносабатларда иштирокини янада кенгайтиришда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг роли ҳам катта. Жумладан, Савдо саноат палатасини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги<sup>104</sup> Қонуни Палатанинг фаолиятини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади. Қонунга кўра, Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти субъектларини

---

<sup>104</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 1-сон, 3-модда.

ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир. Палата тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, Палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Палатанинг вазифаларига: Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш; тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш; бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш; тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид қилиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига олувчи бизнес-каталоглар эълон қилинишини ташкил этиш; тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш; тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш; тадбиркорлик фаолияти

учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш кабилар киради.

Жаҳон тажрибасида ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли катта эканлигидан далолат беради. Жумладан, Хитойда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи субъектларга кўмаклашиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқаро Савдо Палатаси ўз фаолиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикасида бу борада 2005 йил 25 майда Пекинда Ўзбекистон Республикаси Савдо-Саноат Палатаси билан Хитой Халқаро савдони ривожлантириш қўмитаси, Хитой Халқаро Савдо Палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланган. Ушбу битим икки мамлакатнинг компания, корхона, ташкилотлари ўртасида алоқаларнинг ривожланишига кўмаклашади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўзаро манфаат асосида ривожланишига улкан ҳисса қўшади.

Бундан ташқари, ривожланган давлатлар Япония, Италия, Дания, Буюк Британия, АҚШ, Янги Зеландия каби давлатларда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлар ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кичик тадбиркорлик субъектларига кўмак кўрсатувчи асосий ёрдамчи ташкилот сифатида қаралади. Бу ташкилотлар бошқа давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунда мамлакатлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий муносабатларга киришиш имконияти кенгайди деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашувини чеклаш, шу билан бирга давлатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро шерикчилик асосида тартибга солишини йўлга қўйиш лозим. Ҳукумат давлат-хусусий шериклик лойиҳасида нафақат иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ёки тезлаштирувчи сифатида қатнашади балки хусусий сектор шериги лойиҳада хусусий инвестор билан тенг иштирок этади бироқ

унга нисбатан ҳокимият ваколатини амалга оширмайди. А.Белицкийнинг фикрича, давлат-хусусий шерикликни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода, иқтисодда ҳокимият ва бизнес, сиёсат, маданият, фан, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳаракати, бундай ёндашув хусусан, Н.А. Игнатюк томонидан ҳам ишлаб чиқилган. Тор маънода давлат-хусусий шериклик иқтисодий категория сифатида қаралади.

Шу билан бирга қонун ҳужжатларда бу фаолиятни тартибга солишда кичик тадбиркорлик субъектларни қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам белгиланган. Жумладан, “Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини кафолатлари тўғрисида”ги<sup>105</sup> Қонунининг 43-моддасига кўра, давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб унга кўра, давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга оширади, мавжуд муаммоларни ўрганади ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустақамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади; тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди; тадбиркорлик фаолияти субъектларига молиявий, моддий-техник ва ахборот ресурсларидан фойдаланишда кўмаклашади; тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўз товарларини (ишлар, хизматлар) ташқи ва ички бозорларда реализация қилишда, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат харидларини амалга ошириш жараёнига фаол жалб этиш ҳамда уларнинг маҳсулотини ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ташкил этиш йўли билан кўмаклашади; тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ахборот ва тушунтириш

---

<sup>105</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 41-сон, 543-модда.

ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматлар тизими ривожлантирилишини ташкил этади; кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўмаклашади.

Шунингдек қайд этилган қонуннинг 44-моддасига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари доирасида: тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилайди; қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар белгилайди.

Бундан ташқари мазкур қонуннинг 45-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш: тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш, шунингдек бозор инфратузилмаси институтларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш; экспорт-импорт операциялари, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш; тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва бошқа ахборот билан таъминлаш; солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар белгилаш орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини рағбатлантириш, имтиёз ва преференциялар бериш муҳим аҳамият касб этади.

## **2§. Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига эришиш ҳамда жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиши учун кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда бу фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди<sup>106</sup>”.

Жаҳон бозоридаги молиявий иқтисодий инқирозга қарамасдан, кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари дунё бозорига аста-секинлик билан кириб бораётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2013 йилда мамлакатимизда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоизни ташкил қилди, бунда кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳам салмоқли ўрни бор, албатта. Ҳозирги пайтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келаётгани, улар орасида экспортчи кичик корхона ва микрофирмалар йил сайин кўпайиб, экспортдаги улуши 18 фоизга етгани ижобий ҳолат сифатида баҳоланмоқда.

Барча ривожланган давлатлар қаторида мамлакатимизда ҳам кичик тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши билан бирга уларнинг экспорт фаолиятини амалга оширишининг муҳим ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8

---

<sup>106</sup>Каримов И.А., “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. // Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2014 йил 18 январь.

августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>107</sup> Қарор, 2012 йил 26 мартда қабул қилинган “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>108</sup> ПҚ-1731-сонли Қарори, 2005 йил 19 сентябрда қабул қилинган “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>109</sup> ПҚ-183-сонли Қарори, 2005 йил 11 мартда қабул қилинган “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>110</sup> ПҚ-26-сонли Қарор, 2000 йил 5 июндаги “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>111</sup> ПФ-2613-сонли Фармон, 1996 йил 20 мартдаги “Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>112</sup> ПФ-1411-сонли Фармон, 1994 йил 17 июндаги “Экспорт имкониятини кенгайтириш борасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги<sup>113</sup> ПФ-872-сонли Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрда қабул қилинган “Экспорт операцияларини “бир дарча” тамойили бўйича амалга ошириш механизмининг босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 305-сонли Қарор, 2009 йил 8 июндаги “Айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 156-сонли Қарор, 2008 йил 31 декабрдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

<sup>107</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 140-модда.

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 140-модда.

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 304-модда.

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 10-11-сон, 72-модда.

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 174-модда.

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 3-сон, 28-модда.

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 6-сон, 194-модда.

тўғрисида”ги 290 сонли Қарор, 2003 йил 30 сентябрдаги “Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 416-сонли Қарори, 1996 йил 10 сентябрдаги “Экспорт операцияларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 309-сонли Қарори, 1995 йил 28 августдаги Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 343-сонли Қарор шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва экспорт маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида имтиёз ва афзалликларнинг комплекс тизими яратилди. Бунинг натижасида, жаҳон бозорларидаги конъюктуранинг сезиларли ўзгаришларига қарамай, охириги 5 йил ичида маҳсулотлар экспорти 1,67 баробар ўсди, унинг тузилмасини диверсификация қилиш таъминланмоқда - экспорт умумий ҳажмида тайёр маҳсулотларнинг улуши 68,5 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Товарларни экспортга етказиб беришда расмийлаштириш тартиботлари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Божхона расмийлаштируви, декларациялаш, сертификатлаш, санитария-эпидемиология назорати ва божхона расмийлаштирувининг бошқа тартиботлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайдиган «бир дарча» тамойили бўйича экспорт битимларининг божхона расмийлаштируви механизмлари босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Экспорт қилувчи корхоналарга, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш масалаларида кўмаклашиш бўйича ихтисослашган тузилмалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш

борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>114</sup> ПҚ-1731-сонли Қарорида экспорт қилувчи корхоналарга шу жумладан, кичик корхона ва микрофирмаларга қуйидагича солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилган: акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга акциз солиғи солинмайди, товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади, экспорт қилувчи корхоналар (хом ашё товарларини сотиш бундан мустасно) учун фойда солиғи ва мулк солиғи ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товар (иш, хизмат)лар экспортидаги улушига боғлиқ ҳолда камайтиради: экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида - 30 фоизга; экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида - 2 маротаба, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси қуйидагича камайтиради: умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганида 30 фоизга; экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ бўлганида - 2 маротаба, 2016 йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳсулоти ҳажмининг, жумладан ярим тайёр маҳсулотларининг (калава, газлама, трикотаж газлама ва пахта йигириш чиқиндилари) 80 фоизи ва ундан ортиғини эркин алмаштириладиган валютага сотадиган тўқимачилик саноати корхоналари мулк солиғи тўлашдан озод қилинган, товар (иш, хизмат)ларнинг барча турларига экспорт божхона божлари ва специфик товарлардан ташқари бошқа товар (иш, хизмат)лар экспортини лицензиялаш бекор қилинган, товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдаги ставкасига қараганда ўртача 2 маротабага камайтирилган янги ставкалари тасдиқланган, микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилган.

---

<sup>114</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 140-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарорига мувофиқ «Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисида вақтинчалик Низом» тасдиқланди. Ушбу Низомда давлат божхона хизмати органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва божхонада расмийлаштириш билан бирга, «бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми белгиланди. Ушбу Вақтинчалик низом қонун ҳужжатларида белгиланадиган товарларнинг алоҳида тоифаларини экспорт қилиш учун қўшимча рухсатнома ҳужжатлари (лицензия, рухсатнома) олиш билан боғлиқ бўлган экспорт тартиботларини амалга ошириш механизмига жорий этилмайди. «Бир дарча» тамойили деганда - давлат божхона хизмати органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш учун экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга оширишнинг соддалаштирилган механизми, бунда экспорт қилувчи аризининг ягона шаклини тўлдиради ва уни зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда «бир дарча» тамойили бўйича экспорт тартиботларини расмийлаштириш жорий этиладиган ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида фаолият юритувчи манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ваколатли вакилларига тақдим этади.

Кичик тадбиркорлик субъекти экспорт қилинадиган товарларни сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш учун ягона шакл бўйича аризани тўлдиради. «Бир дарча» тамойили бўйича сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда аризачи оладиган сертификатнинг турига қараб ташқи иқтисодий фаолият божхона постларидаги ваколатли сертификация органларига

қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ягона шаклдаги аризани тақдим этади: товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни олиш учун экспорт контракти нусхаси; юкланадиган товарга счёт-фактура нусхаси; экспорт қилинадиган товарни тайёрловчи, ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёнинг келиб чиқиши ва компонентлари (хом ашё етказиб беришга шартномалар, счёт-фактуралар) тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари; технологик жараёнларни тартибга солувчи ҳужжатларнинг нусхалари тақдим этилади.

Иккинчи босқичда экспорт қилувчи экспорт учун мўлжалланган товарларнинг экспорт контрактини ҳисобга қўйиш ва божхонада расмийлаштириш учун давлат божхона хизмати органлари ходимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади. Давлат божхона хизмати органи ходими: тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун уларни дарҳол кўриб чиқади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда 2000 йил 5 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғини тўлаш тартиби умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товарлар, ишлар, хизматлар экспортидаги (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган жойдан қатъий назар) улушига боғлиқ ҳолда қуйидагича белгиланди. Шу билан бирга, экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида - белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи

ставкалари 30 фоизга камайтирилади; экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида - белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилади. Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида микрофирмалар ва кичик корхоналарга ҳам татбиқ этилди.

Бундан ташқари, 2013 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>115</sup> ПҚ-2022-сонли Қарори қабул қилинди. Бу қарорнинг қабул қилиниши ишбилармонликни янада яхшилаш билан бирга кичик тадбиркорлик субъектларининг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини ҳам кенгайтиришда алоҳида ўрин эгаллади.

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда<sup>116</sup>.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма асосан кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини, товар турларини тизимли равишда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, маҳсулотларнинг бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос

---

<sup>115</sup>Халқ сўзи газетаси, 2013 йил 8 август.

<sup>116</sup>Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” // Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, 2014 йил 18 январь.

келишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши лозим. Бундан ташқари, уларнинг маҳсулотларини ташқи озорларга чиқариш, харидорлар излаш, шартномалар тайёрлаш, экспорт амалиётларини бажаришда экспорт қилувчиларга хориж мамлакатлари қонунчилигига мувофиқ зарур лицензия, рухсатнома ва сертификатлар олиш, ярмарка, давра суҳбатлари ҳамда соҳа вакиллари ва хорижий харидорларнинг мулоқотларини ташкил этишга кўмаклашиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Қарорда жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳам белгилаб берилди.

Жамғарманинг ташкил этилганидан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорга ўз маҳсулотларини олиб чиқиши ҳамда уларни фаолиятини тубдан яхшилашида алоҳида рол ўйнаётганини таъкидлаш жоиздир. Жумладан, жамғарманинг кўмаги билан Сергели туманидаги “Fashion Star” хорижий корхонаси ҳам ана шундай эътибор туфайли ўз фаолиятини йил сайин кенгайтирмоқда. Трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона маҳсулоти ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиб ҳисобланади. Бу корхона 2012 йилда юз фоиз маҳаллий хомашё ҳисобидан тайёрланган 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилиган бўлса, 2013 йил январ-ноябр ойларида Россия, Германия, Туркия, Италия каби давлатларга 2 миллион 500 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот экспортга чиқарилди<sup>117</sup>. Шунингдек, Янги ҳаёт кичик корхонада 2013 йилда амалга оширилган кенг кўламли модернизациялаш тадбирларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар ортди. Пировардида ушбу кичик корхона яқунланган йилда 1 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берди. Халқаро стандартларга мос мазкур маҳсулотларга хориждан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда. Хусусан, қўшни давлатлардаги ҳамкорлар билан 5 миллион АҚШ долларлик, хитойлик шериклар билан эса 420 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди<sup>118</sup>.

---

<sup>117</sup>Воҳидова Ҳ. Сифатли маҳсулот – муваффақият гарови // Тошкент оқшоми, 2014 йил 30 январь.

<sup>118</sup>Халқ сўзи, 2014 йил 4 январь.

Шунингдек, ушбу жамғарма томонидан ташқи бозорни ўрганиш ва юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини аниқлашга қаратилган маркетинг шуни кўрсатдики, бугунги кунда дунёнинг 173та мамлакатада тадбиркорларимиз томонидан тақдим этиладиган 16 та маҳсулот ва 15 та хизмат турига талаб мавжуд. 2014 йилда 1,6 мингдан зиёд Ўзбекистон корхоналари ўз маҳсулотини экспорт қилиш имкониятига эгаллигини мониторинг натижалари тасдиқлади<sup>119</sup>.

Марғилон шаҳридаги “Турон водий текс” масъулияти чекланган жамият экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. 800 минг доллар миқдоридаги инвестиция туфайли ушбу корхона ҳар йили тўқимачилик маҳсулотлари ишлари ишлаб чиқариб сочиқлар тайёрлашда фойдаланилади. Маҳсулотни аксарият қисми экспорт учун юборилмоқда. 2013 йилда Марғилонда локолизация дастури асосида ана шундай 38 лойиҳа амалга ошириш йўлга қўйилганлиги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тобора кенгайтириб борилаётганлигидан далолат беради<sup>120</sup>.

Нукус шаҳридаги терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Orient technology” масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлаганига 3 йил бўлди. Лойиҳа қиймати қарийб 11 миллиард сўмлик мазкур кўшма корхонага Италиядан ҳарид қилинган 75 минг АҚШ долларлик замонавий жиҳоз ёрдамида тери қалинлиги турли ўлчамга келтириш имкониятини яратади. Бундай дастгоҳ соҳадаги сўнгги янгилик бўлиб у мутлақо чиқитсиз ишлайди. Унинг ёрдамида тери қавати узунасига кесилиб, табиий яримтайёр маҳсулотга айлантирилади. Қирқдан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган ушбу корхона томонидан ўтган йили 225,1 минг долларлик маҳсулот экспортга жўнатилди<sup>121</sup>.

Маълумки, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда хўжалик судларнинг ўрни беқиёсдир. Жумладан, Хўжалик судлари амалиёти таҳлиллари

<sup>119</sup>Инсон ва қонун. 2014 йил 18 феврал.

<sup>120</sup> Народное слово. 2014 йил 18 март.

<sup>121</sup> Ахмедов Х. Ноёб ашёга ишлов берувчи корхона // Халқ сўзи 2014 йил 18 март.

кўрсатишича, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ низолар ҳам кўриб чиқилиб ҳал этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар хўжалик судига даъвогар кичик фирма “RETRO TURIZM VE TIKARET LIMITY SIRKETR” (Туркия) жавобгар МЧЖ “S & V” хусусий корхонасига нисбатан 109.350.000 сўм асосий қарз, 5.467.000 пеня ва 16.402.500 сўм жаримани ундириш тўғрисидаги хўжалик низоси кўриб чиқилган. Иш ҳужжатларидан аниқланишича, иккита хусусий корхоналар ўртасида 1/07/05 43Б сонли 25.07.2013 йилда қурилиш материаллари ва буюмлар етказиб бериш учун контракт тузилган. Даъвогар томонидан жавобгар манзилига қайд этилган контракт бўйича қурилиш материаллар ва буюмларни етказиб берилганлиги иш билан тўлиқ тасдиқланади. Бироқ контракт бўйича мажбуриятни бузилиши оқибатида жавобгар томонидан етказиб берилган товар учун пул сумманинг бир қисми тўланмаган. Жавобгарга етказиб берилган товарнинг ҳақини тўлаш учун етарли вақт берилсада Ўзбекистон қонун ҳужжатлари ва контрактни шартлари бўйича тўланганлиги фактини исботлаб бермаган. Шу боис суд даъвогар томонидан жавобгарга етказиб берилган маҳсулотнинг ҳақини даъво тақдим этилган кунга қадар тўлаб бермаганлик ҳолати асосли деб топилган. Суд Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 326-моддаси талабига асосан даъво тақдим этилган пайтга қадар контракт бўйича мажбуриятини бажарилмаган қисмидан 20% пеня суммаси камайтирган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 13 банди 2 хатбошисига асосан, кредитор факт жавобгарликнинг фақат бир чорасини қўллаш тўғрисидаги талабни қўйиши мумкинлигини инобатга олиб неустойканинг иккита турини бир пайтнинг ўзида жавобгарга нисбатан қўллашни мақсадга мувофиқ эмас деб топган. Даъвогарнинг талаби қисми қаноатлантирилиб, юқоридагиларга асосан, жавобгардан даъвогар фойдасига 100.211.580 сўм асосий қарз ва 20.042.316 сўм пеняни ундирган. Суд ҳаражатларини тўлаш ҳам тўлиқ жавобгар зиммасига юкланган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар хўжалик судида даъвогар “Zolarta Assets LTD” жавобгар МЧЖ “Eksport Brok Business”га нисбатан 23000 АҚШ

доллари, 5000 АҚШ доллари миқдорида жарима, 1,950 АҚШ доллари миқдорида зарар ва 3500 АҚШ доллари миқдорида бож фоизларини ундириш тўғрисидаги иш кўриб чиқилган. Иш ҳужжатларидан кўринишича, қайд этилган компаниялар ўртасидаги 15.09.2011 йилдаги 1709-сонли контракт тузилган. Контрактнинг 4.6 бандига кўра сотувчи маҳсулот учун тегишли пул суммалари ҳисоб китоб рақамига тушганидан кейин 30 банк кунидан кечиктирмай товарларни етказиб беради деб белгиланган. Бироқ етказиб берилган товар сифати бўйича талабларга риоя этилмаган. Қарши шаҳридаги божхона терминалида SGS халқаро эксперт ташкилоти томонидан текширув учун олинган товарнинг сифати текшириб кўрилганда маҳсулотнинг нави контрактнинг 6.1 бандига мос эмаслиги аниқланиб, бу ҳақда белгиланган тартибда хулоса тақдим этилган. Бироқ ушбу ҳолатда жавобгарнинг даъвогар олдидаги товарнинг сифатсизлиги учун мажбурияти мавжуд эмаслиги аниқланган, чунки товар даъвогарнинг манзилига етказиб берилмаган. Суд даъвогарнинг ҳар бир талабини Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун ва Олий хўжалик судининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини кўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Пленуми қарори ва ишдаги ҳужжатларга асосан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилди. Жавобгар “Eksport Brok Business” МЧЖдан даъвогар “Zolarta Assets LTD” компанияси фойдасига 23000 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз, 2300 АҚШ доллари миқдорида банк фоизлари, 265 АҚШ доллари давлат божи ва 7200 сўм почта ҳаражатлари ундирилди. Суд томонидан даъвнинг қолган қисми қаноатлантирилмасдан қолдириш лозим топилган.

Юқорида баён этилган суд материалларини таҳлил қилиб, хўжалик судлари томонидан қонунда белгиланган қоидаларни кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида тушунтириш ёки лозим топилган ҳолда ўзлари томонидан

чиқарилган қарорда қонунда белгиланган бурчни бажариш бўйича тегишли чораларни қўллашни ҳам зарурият қилиб қўяди. Хўжалик судларида низоларни ҳал қилиш тажрибасига асосан, кўпгина низо моҳияти бўйича ҳал қилиниб, гарчанд манфаатдор томонидан қаноатлантормаса ҳам хўжалик судлари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятига оид қонунларни қўллаш тажрибаси бўйича етарли даражада тушунтиришлар берилмаяпти. Шунингдек, хўжалик судларининг фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг “Тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Пленум қарорини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, кичик тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётини раванқининг таянчига айланаётган бир пайтда, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва давлат органлари ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватлаш, ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишига кўмаклашиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## II Боб бўйича хулосалар

Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиниши бўйича қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида тадбиркорликни хорижий давлатларнинг илғор амалий тажрибасини ўрганиш бўйича малака ошириш учун юборишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

- оммавий ахборот воситалари орқали кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолияти бўйича илғор тажрибаларни оммалаштириш чораларини мунтазам кўриб бориш лозим.

- ҳар йили кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолияти ҳақидаги статистик тўпламлари нашр этишни йўлга қўйиш зарур;

- тегишли олий ўқув юртларида ва коллежларда кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини белгиланган тартибда тасдиқланган дастурлар асосида ўқув машғулотларини ўтказишни мунтазам ташкил этиш лозим.

- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Ўзтадбиркорэкспорт” ва “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб қувватлаш жамғармаси” билан биргаликда кичик тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий фаолияти бўйича уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида жойларда туркум семинарлар, мастер класлар ва амалий ўқув машғулотларини мунтазам ташкил этиш;

- кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш мавзусини “Тадбиркорлик ҳуқуқи” фанини ўрганишда алоҳида мавзу сифатида ўрганиш ва бу ҳақида ўқув услубий қўлланма тайёрлаш;

- кичик тадбиркорлик субъектлари учун “Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолияти ташкил этиш тартиби ва асослари,

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари амалий-қўлланма тайёрланиб нашр этиш лозим;

### **III БОБ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **1§. Кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги электрон тижорат муносабатларининг ҳуқуқий табиати**

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятида электрон тижорат муносабатларини тартибга солишнинг тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса, уларнинг дунё бозорига ўз маҳсулотларини олиб чиқиши ҳамда хорижий контрагентлар билан ташқи иқтисодий битимлар тузишда электрон коммуникация технологиялардан самарали фойдаланишга бир қанча қулайликлар яратади.

Халқаро алоқа тизими ва замонавий ахборот тизимининг жадал ривожланиши анъанавий қоғоз кўринишидаги ҳужжат алмашишига нисбатан электрон алоқа воситалар орқали ҳужжат алмашишининг ролини тобора оширмоқда. Кичик тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат асосида фаолиятини амалга ошириш битимларни улар учун қулай, юқори айниқса, тез ва самарали тарзда ахборот коммуникация технологиядан фойдаланган ҳолда тузиш имконини бермоқда. Электрон тижорат электрон шаклда амалга оширишдаги барча ишга оид операция ва битимларнинг шаклларини ўзида мужассамлаштиради, десак муболаға бўлмайди. Электрон тижорат (е-тижорат, инг. “e-commerce”) бу интернет орқали савдо-сотик амалиётларини ташкил этиш маъносида ишлатилади. Электрон тижорат – бу тижорат алоқаларининг бир тури бўлиб, сотувчи ва ҳаридор ўртасидаги шартномалар ҳамда хизматларни Интернет орқали амалга оширилиши тушунилади<sup>122</sup>. Интернетда турли компаниялар ўз товар ва хизматларини реклама қиладилар. Улар бу ишни Интернетда жойлашган электрон каталоглар ёрдамида амалга

---

<sup>122</sup> www.wikipedia.ru

оширадilar. Электрон каталогларда товар ва хизматлар ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилади: товар номи, ишлаб чиқарилган сана, кўриниши, тури, савдо тури, нарҳи, транспорт харажатлари, юклаш ва жўнатиш, мижозларнинг мажбуриятлари, суғурта ва етказиб бериш шартлари ва ҳ.к. Электрон тижоратни бир қанча турларга бўлиб ўрганиш мумкин. Хусусан, икки фирма ўртасидаги тижорат; фирма ва мижоз ўртасидаги тижорат; фирма ва давлат ўртасидаги тижорат; мижоз ва давлат ўртасидаги тижорат.

Бугунги кунда кичик тадбиркорлик субъектларининг электрон тижоратини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўриш баробарида уни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш истиқболли вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Электрон тижоратга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги<sup>123</sup> Қонун муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажармоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июнда қабул қилинган 120-сонли “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>124</sup> Қарори, 2007 йил 30 январда қабул қилинган 21-сонли “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>125</sup> Қарори, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг “электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги<sup>126</sup> Қарори бу муносабатларни тартибга солишда асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

---

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 232-модда.

<sup>124</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>125</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>126</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2004 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»<sup>127</sup> Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунга кўра, электрон тижорат ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир. Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчиларидир. Электрон тижоратда ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ахборот воситачиларидир. Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс товарлар (ишлар, хизматлар) харидорига: юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолдаги тўлиқ номини ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини; почта ва электрон манзилини ҳамда ўзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларни; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензияси борлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотни тақдим этиши ёхуд унинг бундай ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаши шарт. Қонун ҳужжатларида электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборотга нисбатан бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

Шунингдек, чакана савдода электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январда “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>128</sup> ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, танлов асосида ишлаб чиқилган мамлакатимиз дастурий

---

<sup>127</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 232-модда.

<sup>128</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 4-б-сон, 43-модда.

маҳсулотлари асосида миллий валютага боғланган интернет-дўконлардан фойдаланган ҳолда электрон тўлов тизимини ривожлантириш бўйича бошланғич лойиҳани жорий этиш чора-тадбирлари комплекси; пул маблағларини аниқ вақт режимида масофадан бошқаришнинг фаол тизимларида, шу жумладан, Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмлари; Интернет тармоғида электрон тўловларни ўтказиш учун электрон тижорат қатнашчилари ўртасида банк маълумотлари ва бошқа молиявий маълумотларни ўзаро айирбошлашда стандартлар ва талаблари; электрон тижоратни амалга ошираётган чакана савдо корхоналарини солиққа тортиш ва ҳисобга олиш тартиби ишлаб чиқилди; банк ҳисоб рақамларини масофадан бошқариш тизимларини (Интернет-банкнинг, мобиль банк ва бошқаларни) жорий этилди; импорт-экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш, шунингдек битишувларни электрон тижорат асосида амалга оширишни назарда тутувчи товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда савдони ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>129</sup> Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, электрон давлат харидларини ташкил этиш ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом ишлаб чиқилди. Тадбиркорлар ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар мутахассислари кенг доирасини жалб этган ҳолда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказиш ҳамда электрон тижоратнинг имкониятлари тўғрисидаги ахборот материалларини ишлаб чиқилиб, уларни электрон тижоратнинг салоҳиятли

---

<sup>129</sup> www.lex.uz.

иштирокчилари ўртасида оммалаштириш чора-тадбирлари амалга оширилаётганлиги ўзининг самарасини бермоқда.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий битимларини электрон алоқалар билан амалга ошириш амалий жиҳатдан бир қатор афзалликларга эга<sup>130</sup>. Биринчидан, коммуникация харажатларини тежаш баробарида улар фаолиятининг самарадорлигини оширади, иккинчидан, кирим ва чиқим ҳужжатларини қайта ишлаш бўйича ходимлар сонини камайтириш имконини беради, учинчидан, ҳужжатларни жўнатиш билан боғлиқ камчиликларни олди олинади, ҳужжатларни жўнатиш учун кетадиган вақтни тежаш ва аниқ манзилга етказиб бериш имкониятини яратади. Шунинг ҳамда равишда эътироф этиш мумкинки, учинчи минг йилликнинг бошланиши халқаро компьютер тармоғининг ривожланиши юксак поғонага кўтарилиб ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида шу жумладан, иқтисодиётда ва халқаро бизнесда кенг қўллаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилди. Ҳозирги пайтда электрон коммуникация воситалари ёрдамида амалий алоқа бизнесда товар ва хизматларни айирбошлашдир. “Электрон тижоратнинг эквивалент тушунчаси сифатида “электрон савдо” атамаси ҳам ишлатилади. Электрон бизнес юритиш соҳасида электрон ҳужжат айланиши, тўловларнинг электрон тизими ва электрон савдо кабилар ҳам кенг қўлланилади.

Электрон савдо ҳар қандай давлат иқтисодиёти ўсишининг кучли воситасидир. Миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда ва ишлаб чиқаришга инновацион ютуқларни жорий этишди электрон савдонинг ривожлантириш замонавий ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишнинг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида электрон савдонинг роли беқиёсдир. Тадбиркорлик фаолияти билан

---

<sup>130</sup> Батафсил қarang: Котова Е.А. Договор розничной купли-продажи: правовые проблемы и пути их решения // Право и образование. 2009. № 4 с.144 – 151, Костюк И.В. Гражданско-правовое регулирование электронной торговли // Дисс. канд. юрид. наук. Казань. 2007. 213 с.; Миненкова Н.В. Международно-правовое и национально-правовое регулирование электронной торговли. // Дисс. канд. юрид. наук. М. 2009. 224 с.; Григорьева К.В. Пути совершенствования правового регулирования международной торговли телекоммуникационными услугами // Автореф. . . канд. юрид. наук. М. 2005. 26 с.

шуғулладиган субъектларнинг нафақат миллий иқтисодиётда қолаверса жаҳон иқтисодиётдаги роли улардан электрон савдо тизимининг қандай йўлга қўйилганлигига узвий боғлиқдир. Электрон савдо жаҳон иқтисодиёти ўсиш кўрсаткичларида ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу боис кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятида электрон савдосининг улуши ортиб бориши улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигининг таъминлашнинг энг муҳим шартидир.

Ҳозирги пайтда энг долзарб масалалардан бири кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда электрон савдони ташкил этиш ва тизимини ривожлантириш айниқса қайд этилган субъектларга ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий ва консалтинг хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда. Кичик тадбиркорлик субъектларининг интернет глобал тармоғи ҳамда электрон информацион технологияларидан фойдаланмаслиги уларнинг нафақат ички бозорда балки ташқи бозорда фаолиятини ривожлантириб бўлмайди. Сўнги йилларда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг электрон тижорат фаолиятининг самарадорлигини оширишга ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг кўрилатганлиги, бу борада муҳим ютуқларни қўлга киритиш имкониятини яратмоқда. Айниқса, электрон бизнес соҳасида кўрилатган чоралар инновацион иқтисодиётни хусусан, кичик тадбиркорлик субъектларининг электрон савдоларини ривожлантиришга, қолаверса улар фаолиятида инновацион янгиликларни жорий этишга имконият яратмоқда.

Бир қатор масалалар бўйича тегишли ташкилий ҳуқуқий чораларни кўриш айниқса, глобал тармоқлар орқали электрон битимлар тузиш, пул мажбуриятларининг ижросини таъминлаш сотувчи ва сотиб олувчиларнинг ҳуқуқларига риоя этишни таъминлаш, электрон битимлар бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик бўйича низоларни ҳал қилишдаги муаммоларни ҳал этишини кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятида электрон тижоратни ривожлантиришга катта имкониятларни яратади.

Дарҳақиқат, кичик тадбиркорлик фаолияти субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда нафақат битимларнинг мазмуни ва асосий шартлари муҳим аҳамият касб этмасдан балки улар томонидан белгиланган шаклда тузиш ҳам муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 105-моддасига кўра, битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади.

Фуқаролик муомаласида электрон ахборот технологияларини ва интернет глобал тармоғининг жадал ривожланиб бориши кичик тадбиркорлик субъектларининг электрон савдоси жадал суръатлар билан ўсиб бораётганлиги ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган битимларнинг табиати ва шакли энг аввало электрон савдо бўйича муносабатларни самарали тартибга солишни зарурият қилиб қўймоқда.

Иқтисодий ва ҳуқуқий адабиётларда ҳамда турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда турли хил атама ва иборалар қўлланилмоқда<sup>131</sup>. Хусусан, “электрон битимлар”, “электрон шаклдаги олди-сотди”, “электрон тижорат”, “электрон коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган битимлар”, “Интернетда амалга ошириладиган олди-сотди битими” ва ҳ.к. Бироқ кичик тадбиркорлик субъектларининг электрон савдосида қўлланиладиган битимлар анъанавий битимларни ёки янги турдаги битимлар бўлиб ҳисобланиши тўғрисидаги саволларга илмий ва амалий жиҳатдан асослантирилган жавоблар мавжуд эмас. Айниқса, кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришга устивор аҳамият берилаётганлиги шароитида уларни ташқи иқтисодий фаолиятида қўлланиладиган электрон битим турини ва уни бажарилишини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

---

<sup>131</sup>Болдырев Ю.А. Правовое регулирование электронной торговли// Современная торговля, № 5, 2005.- С. 88-92., Гаврилов Л.П. Основы электронной коммерции и бизнеса: учеб. пособие.- М.: СОЛОН-Пресс, 2009. – 592 с. Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2012. – 684 с., Кобелев О.А. Электронная коммерция: Учебное пособие, О.А. Кобелев, под ред. проф. С. В. Пирогова.- 3 изд., перераб. и доп.- М., Сибирская Е.В., Старцева О.А. Электронная коммерция: Учебное пособие/ Е.В. Сибирская, О.А. Старцева.- М.: ФОРУМ, 2008. – 288 с.

Маълумки, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ташқи иқтисодий битимлар алоҳида ўрин тутди. Ташқи иқтисодий битимларнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, ушбу хусусиятлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат Фуқаролик кодексининг 1081-моддасига кўра, битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунди. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас. Лоақал иштирокчилардан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташқи иқтисодий битим, қаерда тузилаётганлигидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилади.

Кези келганида шуни таъкидлаш лозимки, электрон шаклда тузиладиган битим қандай талабларга жавоб бериши лозим бу ҳақида императив ва диспозитив қоидалар қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмаган. Ёки бўлмаса ёзма шаклдаги битимлар ҳақидаги Фуқаролик кодексининг нормалари электрон битимларга татбиқ этилиши ҳақидаги изоҳ ҳам тўлиқ мустаҳкамланмаган.

Анъанавий шаклланган нуқтаи назар бўйича бу масалага аниқлик киритилмаган бўлса, электрон савдо соҳасида қўлланиладиган битим одатдаги савдодаги битимлар деярли фарқ қилмайди. Кейинчалик бундай битимлар қоғоздан фойдаланиб ёзма равишда тузилиб келинаётганлиги бизга маълум. Яъни битимни расмийлаштиришнинг тартиби ўзгарди, холос. Ҳозирги пайтда электрон битимларнинг ҳуқуқий табиатига ҳам айнан шундай нуқтаи назардан қараш мумкин, десак асло муболаға бўлмайди. Гарчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қўлланилаётган интернет-савдо орқали тузиладиган битимлар электрон шаклда тузилсада, улар иштирокидаги ташқи савдо битимининг табиати ва моҳияти тубдан ўзгаради деб изоҳлаш нотўғри бўлган бўлар эди. Гап ушбу ўринда кичик тадбиркорлик субъектларининг хорижий контрагентлари билан тузиладиган битимлар бўйича ўз эрки ва ҳоҳишининг электрон коммуникация

технологиялари, шу жумладан глобал электрон тармоқ бўлмиш интернет орқали уни юридик расмийлаштириш ҳақида бормоқда.

Қайд этилганларга асосан таъкидлаш жоизки, кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги электрон битимларнинг шакли нафақат назарий балки муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Электрон битимларнинг аҳамияти шу билан изоҳланадики, қонун битимларни тузишга риоя қилиш билан боғлиқ талабларни назарда тутди. Ўз навбатида электрон битимларни тузишда кўйиладиган талабларга риоя этмаслик ҳам тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш электрон савдо шу жумладан, интернет-савдо кўринишдаги битимларни тузишда замонавий ахборот технологияларидан фойдланиш фуқаролик ҳуқуқий шартноманинг табиатини ўзгартирмайди. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий электрон битимлари ёзма битимга тенглаштирилади<sup>132</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддасига кўра, хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 366-моддасига асосан, ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

---

<sup>132</sup> Батафсил қаранг: Шипицына И. В. Технологии электронной коммерции.- Омск: Типография «Максимум», 2006. – 188 с., Электронная торговля: проблемы правового обеспечения: Материалы парламентского «круглого стола» в Государственной Думе ФС РФ от 7 июня 2007 года.

Юқорида қайд этилганларга асосан таъкидлаш мумкинки, кичик тадбиркорлик субъектларининг электрон алоқалардан фойдаланган ҳолда ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузиладиган ташқи иқтисодий битимлар ёзма шаклдаги битим деб ҳисоблаш учун тўлиқ асослар мавжудлигидан далолат беради.

Ҳуқуқий адабиётларда электрон битимларнинг ҳуқуқий табиати ҳақидаги нуқтаи назарларга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ю.В. Ромелнинг фикрича, битимнинг электрон шакли ҳақида эмас, балки ҳужжатнинг электрон шакли тўғрисида гап боради<sup>133</sup>. Айрим олимлар томонидан хусусан, Ю.Н. Кудрявцев ёзишича, ҳуқуқий тизимга электрон ҳужжат тушунчасининг киритилиши юридик жамоатчилик ўртасида электрон битимлар деб аталадиган, битимни тузишнинг яна бир шаклининг вужудга келиши ҳақидаги фикрнинг шаклланишига олиб келди<sup>134</sup>.

Бизнинг фикримизча, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий электрон битимлар янги шаклдаги битим деб тушунмасдан ёзма битимни электрон ҳужжат асосида расмийлаштирилиши деб баҳолаш мумкин. Албатта, тўғри атамани қўллаш жуда катта аҳамиятга эга. Шу боис келгусида бу борадаги қонун ижодкорлик фаолиятини амалга оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий битимини электрон алоқа ёрдамидаги ҳужжатлар билан тузилиши мумкин, деб ифодалаш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддасида айнан шундай атамадан фойдаланганлигига эътибор бериши лозим. Замонавий компьютер ва ахборот коммуникацион технологияларининг янги турлари жадал суръатлар билан ривожланиб бориши, унинг техник тавсифига тарафлар ҳужжатларни жўнатиши учун шифрли форматдаги алоқа каналларидан фойдаланади. Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий битимлари электрон ҳужжат айланиш йўли билан тузилган деб тан олинади. Бундай шаклда тузиладиган битим ҳудди

---

<sup>133</sup> Ромел Ю.В. Этапы развития малого бизнеса за рубежом // Экономика и право. 2010, № 4, 103 с.

<sup>134</sup> Кудрявцев Ю.Н. Обзор деятельности малых и средних предприятий в условиях кризисной внешней среды // Менеджмент в России и за рубежом. 2010. №2. 141 с.

ёзма битим каби бир хил ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий битими юридик факт сифатида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилувчи юридик ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқаро савдо ташкилоти қарийб 10 йиллар мобайнида электрон савдо масалалари билан шуғулланиб, электрон савдонинг мустақил шакли деб тан олганлиги эътибор қаратиш лозим. Фуқаролик муносабатларида электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш объектив жараёндир. Шу боис, кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолияти улар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда самарали ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни ҳам тақозо этади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий битимлари бўйича тарафлар шифрланган маълумотларни зарур дастурий техник таъминот, электрон тартиб таомиллар орқали, айрим ҳолларда ахборот воситачилари (провайдер, оператор, электрон майдонлар ва ҳ.к.) кўмагида келишувга эришадилар. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий битимлари стандарт ёки тарафлар келишган шаклдаги электрон тақдим этиши ва ахборотни олиши асосида тузилади.

Ҳуқуқий адабиётларда айрим олимлар тўғри таъкидлаганидек (И.Б. Костюк) электрон савдо билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ҳозирги пайтдаги ҳуқуқий воситалар етарли эмас, яхлит электрон савдо институтларини ташкил этадиган ягона фуқаролик ҳуқуқий электрон савдо субинститути бўлиб ҳисобланадиган ҳуқуқий нормалар тизимини шакллантириш лозим.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий электрон битими фуқаролик ҳуқуқий табиатига эга бўлган битим бўлиб ҳисобланиши ҳам бевосита халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар норма ва талабларига мос келишидан далолат беради.

Дарҳақиқат, МДҲ иштирокидаги давлатлар томонидан 2008 йил 25 ноябрда қабул қилинган “Электрон савдо тўғрисида”ги модел қонунга кўра, ахборот тизими, ахборот-коммуникация тармоғи ва электрон тартиб-тамойилдан фойдаланиб амалга ошириладиган тегишли қоидалар (регламент) белгиланган тартибда электрон операцияларда ифодаланган савдо-электрон деб тан олинади. Мазкур Модел қонунининг 6-моддаси электрон савдода расмийлаштириладиган битимни расмийлаштиришни батафсил белгилайди. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятидан тушунилишича, битимларни ёзма шаклда эмас балки электрон шаклда расмийлаштиришни назарда тутди. Кези келганда шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг битим ёки шартноманинг шаклига қўйилган талаблар бўйича юқорида кўрсатилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари тўлиқ мос келади. Шу билан бирга, юридик кучга эга бўлган электрон алоқа ҳужжатларни алмашиш йўли билан битимларни расмийлаштириш тузишга йўл қўйилмаслигига оид нормаларидан бошқа электрон битимларга оид янги қоидаларни, янги қонунчиликда назарда тутиш истиқболдаги муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Қайд этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига электрон алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли турлари тузиладиган битимларга оид нормаларни янада мукамалроқ ифода этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги электрон савдога оид нормаларни миллий қонунчиликда янада тўлиқроқ ифода этиш имкониятини яратади. Қолаверса, кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятида қўлланиладиган битимларни тузишида ҳозирги замон талаб қилаётган эҳтиёж ва заруриятдан келиб чиқиб янада такомиллаштиришга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий битимларини тузишда электрон ҳужжатлар алмашиши йўли билан тузиш имкониятларининг янада кенгайтирилиши ва улар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштирилиши жаҳон бозорида кичик бизнесни ролини

ортишига ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

## **2§. Кичик тадбиркорлик субъектларининг инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий соҳада инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз<sup>135</sup>.

Дарҳақиқат, кичик тадбиркорлик субъектларининг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорга олиб киришда инновация технология ва техникани иқтисодиётга жорий этиш ижобий натижаларга эришишнинг муҳим омилidir.

Сўнгги йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Инновация кенг қиррали муносабат бўлганлиги сабабли турли ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Шу боис инновация муносабатлар комплекс ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни бир неча гуруҳларга бўлиб тавсифлаб бериш мумкин. Бундай нормалар фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини амалга оширишга узвий боғлиқдир. Биринчидан, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли; иккинчидан, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва

---

<sup>135</sup>Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” // Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси., Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

конунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир; учинчидан, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга; тўртинчидан, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Энг аввало шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1083-моддасига кўра, патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида ўз хоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳуқуқ, шу жумладан муҳофазаланган ечимларни қўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотиш учун таклиф этиш, тегишли маҳсулотларни четдан келтириш ҳуқуқи патент эгасига тегишлидир. Шунингдек ФКнинг 1084-моддасида патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш белгиланган бўлиб, патент олиш ҳуқуқи, талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар, патентга эгалик ҳуқуқи ва патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман берилиши мумкин.

Мамлакатимизда инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишга оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>136</sup> 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>137</sup> 2009 йил 20 майдаги 144-сонли қарори, шунингдек, илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация

---

<sup>136</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 280-модда.

<sup>137</sup> www.lex.uz.

фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги<sup>138</sup> Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги “Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қуватлаш чоралари тўғрисида”ги<sup>139</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августда”ги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>140</sup> Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>141</sup> Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 майдаги “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>142</sup> Қарорлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда инновация лойиҳаларини татбиқ этиш, кичик тадбиркорлик субъектларининг жаҳон бозорига ўз маҳсулотларини экспорт қилишга янги имкониятлар яратилди. Давлатнинг инновацион сиёсати мустақилликни мустаҳкамлаш рақобатбардош иқтисодий шакллантириш, фуқаролик жамияти фаровонлигини ошириш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашда ғоят муҳим ўрин тутди. Инновацион иқтисодий категория демократик тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир<sup>143</sup>. Юқори технологик ишлаб чиқаришини ташкил этиш хорижий компанияларининг янги технологияларни яратиш бўйича ғоя ва ташаббусларни яратишнинг изчил механизмини ишга солиш ва инсон интеллектуал салоҳиятини барча имкониятларидан фойдаланиш ёш

---

<sup>138</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 369-модда.

<sup>139</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>140</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 311-модда.

<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 21-сон, 253-модда.

<sup>142</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>143</sup> Батафсил қаранг: Бабаев А.Б. Управление инновационно-инвестиционной деятельностью предприятий на рынке сетовые товаров. Автореф. дисс. к.э.н.: 08.00.05. Тула, 2003., Оганян А.Р. «Проблемы развития международной инновационной деятельности российского малого бизнеса в свете мирового опыта» - Сборник научных трудов по материалам международной конференции ИМЭС «Модернизация как основа эффективного экономического развития России в XXI веке» - М.: Издательство «Альзо», 2011.

авлодининг ижодий ва инновацион таффақури мотивиацияси индустриал-инновацион тараққиётининг муҳим мезони бўлиб ҳисобланади.

Америка Қўшма Штатларида кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятида илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш даражаси анча юқоридир<sup>144</sup>. 1980 йилда қабул қилинган “Технологик инновация тўғрисида”ги Стивенсон Уайдлер Қонуни кичик корхоналар фаолиятида илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини ҳуқуқий базасини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек 1980 йилдаги патент ва савдо маркалари тўғрисидаги қонунга тузатишлар; 1980 йилдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш маркази тўғрисида”ги қонун; 1992 йилдаги кичик бизнес илмий тадқиқот фаолиятига кўмаклашиш тўғрисидаги қонунлар кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда роли катта. Айниқса, 1982 йилдаги “Кичик бизнес инновация фаолияти тўғрисида”ги қонунга кўра, федерал идораларга кичик бизнес томонидан амалга ошириладиган тадқиқот ва ишланмаларни лойиҳалаштириш учун махсус жамғармаларни идоралар фаолияти бўйича ушбу ажратиш ва кичик бизнесда инновация бўйича тадқиқот дастури таъсис этиш мажбурияти юклатилди. АҚШнинг “Кичик бизнесда инновацион фаолиятни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонунининг асосий мақсади технологик инновацияни рағбатлантириш, кичик ва ўрта корхоналарнинг илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларини бажаришда федерал буюртмаларни амалга ошириши учун фойдаланиш ва технологик инновация билан шуғулланишга иқтидорли кишиларни жалб этишга кўмаклашиш ҳисобланади<sup>145</sup>.

Кичик ва ўрта корхоналарни инновацион кўллаб-қувватлашда Япониянинг тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. Япония инновация фаолиятини ривожлантиришда 1999 йилда қабул қилинган “Кичик ва ўрта

---

<sup>144</sup> Государственная политика и предпринимательство в США // Экономика и управление в зарубежных странах. – 2004. – № 9. – С. 38 – 44

<sup>145</sup> Алексеев С.В. Правовое регулирование предпринимательской деятельности. Учебное пособие. - М.: ЮНИТИ, 2004. – 285с.

тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунинг роли катта. Ушбу қонунда “инновацион бизнес” атамасига таъриф берилган. Кичик корхоналарнинг фаолиятини яхшилашнинг энг муҳим омили сифатида янги маҳсулот ёки ишлаб чиқариш, янги турдаги хизматларни яратиш ва кўрсатиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки уни сотиш янги усулларни татбиқ этиш, шунингдек, хизмат кўрсатишни янги усулларини қўллаш, ёхуд корхонани бошқаришда янги усуллардан фойдаланиш ёки бизнесда бошқа янгиликларни жорий этиш кабилардан иборат бўлиши тавсифлаб берилди. Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг барча миллий инфратузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш давлатнинг “Кичик ва ўрта тадбиркорлик Агентлиги” томонидан амалга оширилади ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик шўъбасида инновация фаолиятига оид қисми бўйича ҳукуматнинг умумий стратегиясини белгилайди<sup>146</sup>.

“Кичик ва ўрта тадбиркорликда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, кичик ва ўрта тадбиркорларга молиявий, техникавий, аутсорсинг ва венчур ва инновацион маслаҳат ёрдами кўрсатилади. Инновацион бизнес қўллаб-қувватлашнинг кенг миқёсдаги механизмлари “Кичик ва ўрта тадбиркорликда ижодий фаолликни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ва “Кичик ва ўрта тадбиркорликда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонунларда назарда тутилган.

Инновацион кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳиндистон тажрибаси ҳам эътиборга моликдир. Энг муҳими, кичик корхоналарни молиявий ва технологик қўллаб-қувватлаш, ҳодимларни малакасини ошириш, экспорт имкониятини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш маданияти ва сифатини такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланган. Ҳиндистоннинг микро ва кичик ўрта тадбиркорлик вазирлиги томонидан қуйидаги учта дастур амалга оширилмоқда: янги технологияларни ўзлаштиришда “молиявий ёрдам”, “корхоналарнинг

---

<sup>146</sup> Андерс О. Условия развития малого предпринимательства // Человек и труд. – 2005. – № 12. С. 17 -19.

рақобатбардошлигини ошириш”, “корхоналарнинг ISO 9000 стандартларига ўтишини таъминлаш”.

Бу соҳадаги фаолиятни дастурли таъминлаш ва экспортни кенгайтиришни тезлаштириш учун Ҳиндистон ҳукумати “Ҳиндистон технологик паркни дастурли таъминоти” мустақил ассоциациясини таъсис этди. Ушбу ассоциациянинг аъзолари мамлакатда экспорт маҳсулотларининг 100%ни ишлаб чиқариши лозим. Бундай технопарклар, саноат зоналари ва илмий марказларда барча корхоналар фақат экспорт учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Микро ва кичик ўрта тадбиркорликни технологик ривожлантиришда кичик корхоналарни ўзига бирлаштирган кластерлар муҳим ўрин тутди. Кластерлар мамлакатда экспорт маҳсулотининг 60 фоизини етказиб беради. Айрим катта кластерлар мамлакатда ишлаб чиқариладиган алоҳида турдаги маҳсулотларнинг 90%ни ташкил этади.

Хитойнинг инновацион кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор имтиёзлар берилган<sup>147</sup>. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар улар йиллик ялпи маҳсулотининг 50%дан ортиқни ташкил этса даромад солиғининг 10% тарифи бўйича тўлайдилар. Мамлакат ҳукумати томонидан “Инновацион корхона” мақоми таъсис этилган. Бу мақом 90та корхонага қўлланилган бўлиб жаҳон бозорида шахсий брендига ва техник новаторлик салоҳиятига эга бўлиб, уларнинг юқори рақобатбардошлиги инобатга олинган. 2006-2010 йилларда фан ва техника соҳасида ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш давлат режасининг Асосий қоидаларига мувофиқ келгусида инновацион ва илмий фаолиятни янада кучайтириш назарда тутилган. Хитой Халқ Республикасининг фан ва техника вазирлигининг истиқболли дастурига кўра, 2020 йилга келиб АҚШ, Япония, Корея Республикаси ва Финляндия давлатлари каби Хитой инновацион типдаги давлатлар қаторидан ўрин олади.

---

<sup>147</sup> Власова В.М. Основы предпринимательской деятельности: экономическая теория: Учебное пособие. М.: Финансы и статистика, 2004. – 350с

Россияда инновацион кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда 2015 йилгача Россия Федерациясида фан ва инновацион ривожлантириш стратегияси муҳим ўрин тутди<sup>148</sup>. Ушбу ҳужжатга асосан Россияда инновацион тадбиркорликнинг инфратузилмалари ташкил этилган. Кичик ва ўрта тадбиркорлик инновацион маҳсулотга бўлган талабни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис хорижий давлатларнинг тажрибасини инобатга олиб, кичик ва ўрта тадбиркорлик инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бозор инфратузилмаларини шакллантириш дунё бозорида улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва харидоргирлигини ошириш қайд этилган субъектларнинг экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда катта имкониятларни яратади. Бизнинг фикримизча, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Кичик инновацион корхона тўғрисида”ги Қонуни қонун ижодкорлиги фаолиятининг предмети бўлиши мумкин.

Жаҳон амалиётида кичик ва ўрта корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш бир қатор шакллари қўлланади<sup>149</sup>. Биринчидан, илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ишларини бажарадиган инновацион кичик ва ўрта тадбиркорликни молиявий ва техник қўллаб-қувватлаш ҳукумат ташкилотлари мавзуси бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш (АҚШ, Япония, Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар); иккинчидан, янги маҳсулот ва технологияларни яратиш бўйича

---

<sup>148</sup> Батафил қаранг: Галкин В.В. Основы предпринимательской деятельности – Ростов Н/Д: Феникс, 2004. – 288с., Гнилитская Е.В. Институционально – психологические основания успешного развития предпринимательства // Российское предпринимательство. – 2006. – апрель. – С. 45-49., Грузков А.П. Региональные программы развития: социально –экономический аспект // Российское предпринимательство. – 2006. – февраль. – С. 32-41, Джобаван Н. А. Государственное регулирование малого предпринимательства. СПб: Изд-во СПбГУ, 2004. – С. 23 – 29., Лапуста М.Г. Старостин Ю.А. Малое предпринимательство. – М: ИНФРА – М, 2000. – 320с.

<sup>149</sup> Батафил қаранг: Малышева Т.В. Малое предпринимательство в Республике Татарстан: проблемы и тенденции развития //Экономический вестник Республики Татарстан – 2005. - №1. – С.17, Масленников М. Н., Правовое регулирование предпринимательства в Экономике развитых стран // Экономика и жизнь. – 2004. – № 10. – С. 23 – 26, Морозов В. А. Большая забота о малом предпринимательстве: зарубежный опыт поддержки предпринимательства // Рос. предпринимательство. – 2004 . – № 8. – С. 81 – 88; № 10 . – С. 99 – 104.

харажатлар 50 %дан иборат бўлган тўғридан-тўғри молиялаштириш (субсидия, қарзлар) (Франция, АҚШ ва бошқалар); учинчидан, қарз бериш, шу жумладан, фоиз тўловсиз (Швеция) янгиликни татбиқ этиш харажатларини 50% қоплаш бўйича текинга (фоизсиз) қарзлар бериш (Германия); илмий тадқиқот ишланмалари учун мақсадли дотациялар бериш (бундай амалиёт деярли барча ривожланган давлатларда); эҳтимол бўлган тижорат таваккалчилигини инобатга олиб инновацияни татбиқ этиш фондларини тузиш (Англия, Германия, Швецария, Нидерландия давлатларида); якка тартибдаги кашфиёт учун давлат божини камайтириш ва солиқ имтиёзини бериш (Бундай тажриба Австрия, Германия, АҚШ, Япония ва ҳ.к.) давлатларда шаклланган. Шунингдек Японияда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий суғуртани амалга оширадиган махсус инфратузилмалар тузилган.

Австрияда агар кашфиёт энергияни тежашга оид бўлса давлат божини тўлаш муддатларини узайтириш ёки озод қилиш билан боғлиқ қонунчилик тажрибаси кичик ва ўрта тадбиркорликнинг инновацион фаолиятни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Нидерландия, Германия, Япония ва Ҳиндистонда якка тартибдаги кашфиётчилар аризасига асосан бериладиган патент бўйича текин хизмат кўрсатиш, давлат божидан озод қилинади. Барча ривожланган давлатларда интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид қонунчилик асослари яратилган. АҚШ ва Японияда хавфини камайтириш ва таваккалчилик зарарларни қоплаш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилиб амалиётда қўлланилаётганлигидан далолат беради. Барча ривожланган давлатларда кичик ва ўрта тадбиркорларнинг кучи билан инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун венчур капитали фондларнинг кенг шаҳобчаларидан фойдаланилади. Ушбу тажрибани барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасида кузатиш мумкин. Бундан ташқари, барча ривожланган ва ривожланаётган давлатларда илмий парк, бизнес инкубаторлар ва технологик ривожлантириш зоналари шаҳобчалари ташкил этилганлиги кичик тадбиркорлик субъектлари

инновацион фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатларда кичик ва ўрта тадбиркорликни илмий-техникавий, молиявий, ишлаб чиқариш инновацион қўллаб-қувватлаш бўйича кучли давлат ташкилотлари (корпорация, агентлик) тизими фаолият юритмоқда.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш ва инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ижобий ва қизиқарли тажриба яна шу билан изоҳланадики, ҳозирда пенсия ёшида бўлган юксак малакали мутахассисларнинг (бошқарувчи, муҳандис, олим, молиячи ва ҳ.к.) тажрибасида унумли фойдаланиш имконияти яратилган. Уларни билими ва тажрибасидан кенг фойдаланиш бўйича шарт-шароитлар яратилганлиги бу амалиётдан бизнинг мамлакатимизда кенг қўллаш мақсадга мувофиқ. Барча ривожланган давлатларда пенсия ёшидаги мутахассисларнинг маслаҳат пунктлари ташкил этилганлиги диққатга сазовордир. Японияда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига конструктор ва лойиҳаларнинг шаҳар ассоциацияси томонидан техник ҳужжатларни ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатилади. Масалан бундай ассоциациядан бири Токио шаҳрида жойлашган бўлиб, “Саноат конструкциясига ёрдам қилиш бўйича Япония ташкилоти (JIDPO) деб аталади.

Дарҳақиқат, қабул қилинадиган қонунларда кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширишда инновацион технологияларни кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак.

Халқаро инновацион бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш, инновацион кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш борасида кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал қилиниши, миллий қонунчилик тизимини инновацион нуқтаи назаридан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларда қай даражада давлатнинг инновация соҳасидаги сиёсати, кичик тадбиркорлик субъектларининг инновация соҳаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ қоидалар

Ўзининг ифодасини топишига аҳамият бериш лозим. Халқаро ҳуқуқнинг инновацияга оид умумэтироф этилган қоидаларни ҳар томонлама тизимли ўрганиш, қонун ости ҳужжатлари, локал ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг истиқболларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Инновация фаолиятини тартибга солишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий воситаларидан самарали ва мутаносиб фойдаланиш бу борада миллий стратегияни ишлаб чиқишнинг таркибий элементи бўлиб ҳисобланади. Айниқса давлат-хусусий шерикчилигини иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш чораларини кўриш зарур. Инновация бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш устувор масалалардан бўлиб саналади.

Инновацияга асосланган электрон давлат ва ҳукумат барпо этиш ҳар бир давлатнинг халқаро рейтинг даражаси билан узвий боғлиқдир. Фуқаролик жамиятини барпо этишда шароитида нодавлат-нотижорат ташкилотлари роли баҳо берган ҳолда “Инновацион фонд” тузишни ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш инновацион менеджерларининг янги авлодларини тайёрлаш, эркин ва махсус иқтисодий зоналарнинг, инновацион технологиялар паркинни шакллантириш ва уларнинг такомиллашган ҳуқуқий мақомини белгилаш бу борадаги муҳим истиқболли вазифалар бўлиб ҳисобланади. Илмий инновацион лойиҳаларни давлат томонидан кредитлаш ва молиялашнинг изчил тизимини яратиш, бу борада мақсадли дастурларни рўёбга чиқариш, бозорда инновацион лойиҳаларни қўллаётган тадбиркорлик субъектларга имтиёз бериш, бизнес тузилмаларига олимларни жалб қилишни рағбатлаштириш чораларини кўриш лозим. Айниқса инновацион кластерларни ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш чораларни кўриш объектив заруриятдир.

Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда тадбиркорликни ролига баҳо бериш ва илм-фан ютуқларидан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Ҳозирги пайтда юридик фан шу жумладан, миллий тадбиркорлик ҳуқуқи

фани инновацион тадбиркорликка етарли эътибор қаратилмаган. Инновацион тадбиркорлик ва интеллектуал мулк объектлари узвий боғлиқдир<sup>150</sup>.

Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, инновацион тадбиркорлик муаммоларини тадқиқ этиб ўрганиш саноат мулки объектларини яратиш доирасида вужудга келадиган мулкый ва мулкый тусда бўлмаган муносабатларни тартибга солиш имкониятини беради<sup>151</sup>. Қолаверса кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий соҳада инновацион фаолиятни амалга ошириш ихтиро, фойдали модел саноат намунасини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни ҳам зарурият қилиб қўяди.

Инновацион фаолият тадбиркорликка асосланганлиги сабабли унинг субъекти ишнинг пировард натижасига эришиш тавакалчиликка асосланади. Қонунчиликда инновацион фаолиятга асосланган тадбиркорлик шерикчилиги ҳақида ҳуқуқий нормалар аниқ белгиланмаган. Қолаверса тўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Давлат эҳтиёжлари учун инновацион фаолиятни амалга ошириш кенг ўзига хос хусусиятларини белгилаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари фуқаролик жамиятини барпо этишда инновацион фаолият билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш қонун ижодкорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлмоғи лозим.

Айниқса, кичик тадбиркорлик субъектларнинг инновация ҳуқуқи бўйича ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чораларини кўришни тақозо этади. Инновация иқтисодни жадал суръатда ривожлантириш генератори бўлганлиги сабабли уни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш яхлит-амалий чора-

---

<sup>150</sup>Рассудовский В.Л. Интеллектуальная собственность и инновационное предпринимательства // Российская юстиция 1994. №12.

<sup>151</sup>Батафсил қаранг: Мягков П., Фесенко Е., Еремина О. Н. Малое предпринимательство: государственная поддержка обязательна. 2000. – с. 321., Нойбауэр Х. Инновационная деятельность на малых и средних предприятиях // Проблемы теории и практики упр. – 2004. – № 3. – С. 50, Оноприенко В. И. Малые предприятия: Опыт, проблемы – М.: Профиздат, 2004. – с. 321, Тарасов К. М. Малое предпринимательство в системе рыночных отношений. – М.: Экономика, 2005. – 115с.

тадбирларни ишлаб чиқиш, айниқса ёшларнинг инновация бўйича билим ва кўникмаларини устувор вазифа сифатида қарашга эришиши лозим.

Инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги кундаги зарурлиги қўйидаги омиллар билан белгиланади: кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш мақсадида инновацияларни киритиш ўзининг иқтисодий самарадорлиги, талаб ва тақлиф қонуниятларига жавоб бериши билан алоҳида аҳамияти касб этаркан, бу соҳаларга инновациянинг жадал суръатлар билан жалб қилиниши ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлишини тақозо этади; чет элдан янги технологияларни, янги қурилмалар ва ишлаб чиқариш воситалари олиб кирилишига кенг имкониятлар бериш ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутишидан келиб чиқиб, инновацияларни чет элдан жалб этишга нисбатан ҳуқуқий талабларни яратиш зарур бўлади; маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, илмий-техник муассасалар томонидан яратилган инновациялар ва инновацион лойиҳаларнинг шартномавий тартибини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш, яратилган янги инновациялар: янги технологиялар, янги қурилмалар, янги моддалар, янги усулларнинг ҳуқуқий мақомини ва уларга нисбатан ҳуқуқларни белгилаш талаб этилади; инновация фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва улар фаолияти, ҳуқуқлари кафолатларининг асосларини ўрнатиш, инновация дастурларига ҳомийлик қилиш ва давлат томонидан кўмак беришнинг ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

### **III Боб бўйича хулосалар:**

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш истиқболларини ўрганган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- ҳозирги пайтда электрон тижоратни ривожлантириш ва мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хорижий давлатларнинг электрон савдо тўғрисидаги қонунчилик тажрибасини инобатга олиб “Ўзбекистон Республикасининг “Электрон савдо тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш қонун ижодкорлигини муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи лозим.

- кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти: электрон савдосига оид намунавий ҳужжатлар ҳақида амалий қўлланма тайёрлаш ва чоп этиш;

- хорижга маҳсулот экспорт қилаётган кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ВЕБ саҳифасига оид махсус дастур ишлаб чиқиб, Интернет-глобал тармоққа уни жойлаштириш ва мунтазам янгилаб бориш чораларини кўриш;

- кичик тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолияти ҳақида нималарни биласиз. Саволлар ва жавоблар ҳақида электрон китоблар тайёрлаб барча тадбиркорлик субъектларига етказиб бериш чораларини кўриш лозим.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини устувор ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш, рақобат муҳитини шакллантириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир<sup>152</sup>.

**Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий назарий хулосалар:**

- Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама ўрганиш нафақат илмий балки, кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ва сифатли ҳимоя қилишнинг амалий натижаси бўлиб ҳисобланиши баробарида, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича тадқиқот ишларини олиб боришни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

- Мамлакатни демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, кичик тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя

---

<sup>152</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

қилишга қаратилган иқтисодийни изчил демократлаштириш ва либераллаштириш билан бир қаторда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

- Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларининг жаҳон бозорига чиқишига шарт-шароитлар яратишда ҳал этилиши лозим бўлган қўйидаги айрим ташкилий-ҳуқуқий масалаларни иқтисодий соҳада тўлиқ амалга оширишга эришиш лозим: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришга ҳақидаги ғоя ва қарашларини кенг тарғиб қилиш; иккинчидан, кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига Ўзбекистон Республикаси қонунлари расмий нашрларидан, шу жумладан, электрон дастурлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ва кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалий қўлланма сифатида чоп этиш; учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг мониторингини ўтказиш натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш; тўртинчидан, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқий билим ва савияларини ошириш бўйича ўқув машғулотларини мунтазам ташкил этиш; бешинчидан, “Кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятига оид қонунчилик” мавзусидаги туркум кўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш;

**Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятига оид қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

Конституцияга асосланган қонунчилигимиз кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қафолати

бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун Конституцияда белгиланган тадбиркорликка оид нормаларни амалдаги қонун ҳужжатлари мазмуни ва моҳиятига янада тўлиқ сингдириш лозим.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт муносабатларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Ўзтадбиркор экспорт” компанияси фаолиятини ҳуқуқий асосларини амалиётда қўллаш ҳолати, муаммолари ва уни ҳал қилиш бўйича махсус илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни жадаллаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш” жамғармаси фаолиятининг қонунчилик асосларини тизимли таҳлил қилиш, ушбу жамғарма фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш истиқболдаги ўзининг ечимини кутаётган вазифаларни ҳал этишда асосий ўрин эгаллайди.

**Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятига оид ўқув-услугий ўрганишни самарали амалга ошириш бўйича тавсиялар:**

Янги иқтисодий-ҳуқуқий воқелик шароитида, кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида замонавий шакл ва усуллардан, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва кичик тадбиркорлик субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш борасида қуйидагилар таклиф этилади: кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий асосларини ўрганиш, унда: энг аввало, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда тадбиркорлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти тушунчаси ва илмий категорияларининг назарий асосларини, ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш вазифалари, хусусияти, принциплари ва функцияларини тадрижий тадқиқ

этиш; ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда қонунчилик, ижро этувчи, суд ҳокимияти, нодавлат нотижорат ташкилотлари, “Ўзтадбиркорэкспорт” компанияси, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш” жамғармаларининг роли ва аҳамиятини очиб бериш ҳамда тадқиқот ишларини олиб бориш; кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқот мавзуларини белгилаш ва унинг долзарб устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтириш; кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш мавзусида кичик тадбиркорлар ўртасида социологик тадқиқотларни амалга ошириш; кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ва истиқболлари бўйича магистрлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлаш бўйича замонавий тадқиқот ишларини жадаллаштириш; умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини ва кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибасини қиёсий ўрганиш юзасидан тизимли тадқиқот ишларини бажаришни талаб этмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

- 1.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- 1.2 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2007. 520 б.
- 1.3 Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Расмий нашр. –Т.: Адолат, 2007.
- 1.4 Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Расмий нашр. –Т: Адолат, 2007.
- 1.5 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Расмий нашр. –Т.: Адолат, 2007.
- 1.6 Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 2 май 2012 йил
- 1.7 Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни 26 апрел 2012 йил.
- 1.8 Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни
- 1.9 Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 6 январ 2012 йил.
- 1.10 Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни 11 декабр 2003 йил.
- 1.11 Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни
- 1.12 Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни
- 1.13 Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни
- 1.14 Ўзбекистон Республикасининг “Экспорт назорати тўғрисида”ги Қонуни 26 август 2004 йил.
- 1.15 Ўзбекистон Республикасининг “Концессия тўғрисида”ги Қонуни 30 апрел 1995 йил.
- 1.16 Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 25 апрел 1995 йил.
- 1.17 Ўзбекистон Республикасининг “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”ги Қонуни 29 август 1996 йил.
- 1.18 Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни 11 декабр 2003 йил.
- 1.19 Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 29 август 1998 йил.
- 1.20 Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида”ги Қонуни 7 декабр 2001 йил

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.**

- 2.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 июлда «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш тўғрисида»ги ПФ-1205-сонли;
- 2.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрда «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1871-сон,
- 2.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 февралда «Импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1930-сонли;
- 2.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрда «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3321-сонли;
- 2.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сонли;
- 2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 июлда «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3631-сонли Фармони
- 2.6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 мартда «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-26-сонли;
- 2.7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрда «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-183-сонли;
- 2.8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 январда «Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-554-сонли;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлда «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-927-сонли;
- 2.9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 августда «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1169-сонли;
- 2.10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2022-сонли қарори

- 2.11 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №-343-сонли;
- 2.12 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги «Экспорт операцияларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-309-сонли;
- 2.13 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Импортни тарифлар билан бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-80-сонли;
- 2.14 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №-137-сонли;
- 2.15 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 февралдаги «Ташқи савдо фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-66-сонли;
- 2.16 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №-205-сонли;
- 2.17 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августда «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-355-сонли;
- 2.18 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрда «Экспорт операцияларини «бир дарча» тамойили бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №-305-сонли;
- 2.19 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 декабрдаги «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 13 мартдаги 95-сон Қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги №-329 сонли қарорлари

### **Ш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари**

- 3.1 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
- 3.2 Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.. Т.: Ўзбекистон, 1996. 294-б.
- 3.3 Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -319 б.
- 3.4 Каримов И.А. Ислохотлар изчиллиги – инсон манфаатлари омили. Т.: 1997. -362 б.

- 3.5 Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 3.6 Каримов И.А. Биз келажакни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 413 б.
- 3.7 Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2007. - 37-38 б.
- 3.8 Каримов И.А. Барқарорлик тараққиётга эришиш устувор вазифа. –Т.: Ўзбекистон. 1998.
- 3.9 Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон. 2009.
- 3.10 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
- 3.11 Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлининг изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг мўҳим омилidir. –Т.: Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.
- 3.12 И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Т.: “Ўзбекистон” – 2013.
- 3.13 И.А.Каримов. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. // Т.: “Ўзбекистон” – 2012.
- 3.14 Каримов И.А. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. 2014 йил 18 январь.

#### **IV. Асосий адабиётлар**

- 4.1 Алимов Р.М., Арифханов Ш.Р. “Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность” –Т.: Шарқ. 2002.
- 4.2 Егоров Н.Д. Гражданско-правовое регулирование экономических отношений. –Л.: 1986.
- 4.3 Ершова И.В., Иванова Т.М. Предпринимательское право. –М.: Юриспруденция. 2000.
- 4.4 Жилинский С.Е. Предпринимательское право. –М.: 2002, Норма.

- Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: 1996.
- 4.5 Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2006. 416 б.
- 4.6 Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: 2001 йил 268 б.
- 4.7 Рўзиназаров Ш.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларини фуқаролик ҳуқуқий мақоми. –Т.: Адолат. 1997.
- 4.8 Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик ҳуқуқи (умумий қисм). Дарслик. –Т.: 2002. 672 б.
- 4.9 Предпринимательское право: учебник. Под ред. Коршунова Н.М., Эриашвили Н.Д. М.: 2000.
- 4.10 Абдуқодиров Ш. Тадбиркорлик зиммасидаги мажбурият // Ҳаёт ва қонун. 2005. №2. –Б. 64-65.
- 4.11 Абдуллаев А., Мўминов Т. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000. №4. 36 б.
- 4.12 Ибратов Б. Тадбиркорликни келиб чиқиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001. №8. 21 б.
- 4.13 Окюлов О. Правовой статус индивидуального предпринимателя // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. 2005. №7. С. 56-61.
- 4.14 Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ва уларни ҳуқуқий ҳолати // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001. №8. Б. 18-19.
- 4.15 Ражабов О. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш кафолатлари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2002. №4. Б. 13-15.
- 4.16 Расулов Т. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001. №10. Б. 32-33.
- 4.17 Рахимов Ф. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш кафолатлари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999. №6. Б. 35-37.
- 4.18 Раҳмонқулов Х.Р, Тадбиркорликнинг мулкӣ ва ҳуқуқӣ асослари тўғрисида // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000. №11. 28 б.
- 4.19 Рустамбоев М., Окюлов О. Тадбиркорликнинг ҳуқуқӣ ҳимояси. Муаммо ва ечими, тараққӣёт таянчи. // Ҳаёт ва қонун. -2002. №5. Б. 18-20.
- 4.20 Хамидова С., Жураев Х. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва такомиллаштириш // Бозор, пул-кредит. 2003. №6. 59 б.
- 4.21 Тўхлиев Н. Тараққӣётнинг ўзбек модели // Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012.
- 4.22 Трушин Э., Эргашев Б. Внешнеторговая политика: выбор стратегии для Узбекистана “Экономическое обозрение”, Т., 2000, №1. С. 11.
- 4.23 Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее. Т.: «Узбекистон», 1992.
- 4.24 А.М.Васильев, А.А.Васильев Малый бизнес в Кипрской Республике. // Юрист вуза, журнал, август 2012.

- 4.25 Гиниятулин А.Р. Правовое регулирование деятельности субъектов малого и среднего предпринимательства в зарубежных странах. // Евразийский юридический журнал. 2012, №10.
- 4.26 Холов Ж. Қулай тадбиркорлик муҳити шаклланиши ва ривожланишининг назорат асослари // Иқтисодиёт ва таълим журнал. 2013 №1 С.11.
- 4.27 Бублик В.А. Публично и часьно-правовые начало в гражданско-правового регулировании внешнеэкономической деятельности. дисс. док. юрид. наук. Екатеринбург 2000. 100 с.
- 4.28 Попондопуло В.А. Правовой режим предпринимательства СНГ. 1994. С 14-15.
- 4.29 Асалханова С.А. Понятие внешнеэкономической деятельности в Российском праве // Российская юстиция 2012. №9 8.с.
- 4.30 Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари: Дарслик // “Адабиёт жамғармаси” нашр., 2001.- 312 б.
- 4.31 Туменюк Е.В. Административно-правовое регулирование внешнеэкономической деятельности. Афтореф. дисс. канд. юрид. наук. М.: 2007.
- 4.32 Иванова Т.М. Российское предпринимательское право. М.: Т.Р.Велби, изд-во Проспект 2008. 892 с.
- 4.33 Нуриев А.Х. Малих бизнес частных и публичных интересов в развитии международного инвестиционного праве // Международное публичное и частное право 2013 №5 с.14.
- 4.34 А.А.Белоусов О принципе динамичности правовое понятия // Государство и право 2013 №8. С 5-14.
- 4.35 Кислицена Н.Ф. Роле организации объединности нации в области защита прав человека в сфере международного бизнес // закон и право 2012 №8. С 91
- 4.36 Палеев Р.Н. Правовой статус субъектов предпринимательской деятельности // история государства и праве 2012. №32
- 4.37 Кривенкова М.В. Особенности участия государства в предпринимательской деятельности международного характера // Международное частное право. 2012- №3.
- 4.38 Кислицена Н.Ф. Роле организации объединности нации в области защита прав человека в сфере международного бизнес // закон и право 2012 №8. С 91.
- 4.39 Хорманн Е.А. Торговле право ЕС и Венская Конвенции ООН о договорах международной купли продажа товаров закон и право // закон и право 2013 №7 С.68.
- 4.40 В.А.Зернов, В.А. Минаев Инновационное обучение и бизнес процессы в международных сетевых сметамах // Высшее образование 2013 №6.
- 4.41 Жуковская И., Эгоров А. Электронная коммерция важный фактор современний международный отношений // Иқтисодиёт ва таълим №3.

- 4.42 Нуриев А.Х. Место бизнеса частных и публичных интересов в развитии международного инвестиционного праве // Международное публичное и частное право 2013 №5.
- 4.43 Алимов К. Становление науки международного праве в Узбекистане: попытки постановки теоретических проблем // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари / масъул мухаррир Ф.Х. Отахонов –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2006 – 495.б.
- 4.44 Беликова К.М., Ахмедова М.А. Государственно-частная поддержка деятельности субъектов малого и среднего предпринимательства в Индии: некоторые аспекты // Гражданское право. 2013 №3.
- 4.45 Толочко О.Н. Проблемы государственного регулирования внешнеэкономической деятельности // Право и демократия. 1998 Выпуск-9.
- 4.46 Бублик В.А. Публично и частно-правовые начало в гражданско-правового регулировании внешнеэкономической деятельности. дисс. док. юрид. наук. Екатеринбург 2000. 100 с.
- 4.47 Табачника Б.И. Экономические границы малого бизнеса: институциональные ограничения и количественные показатели // Проблемы современной экономики. – 2009. - №1.
- 4.48 Михайлова О.П. Дискуссионные критерии отнесения предприятий к малому бизнесу / О.П. Михайлова // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2009. - №2(10). – С. 112.
- 4.49 Андреева И.О. Критериях выделения малого и среднего бизнеса / И. Андреева., К. Павлов // Общество и экономика. – 2007. №7. – С. 62-79.
- 4.50 Грибкова Н.Б. Опыт налогового регулирования в зарубежных странах и возможности его использования в России // Налоговая политика и практика. – 2005. - №7. – С. 16.
- 4.51 Алешкин А.И. Понятие субъекта малого предпринимательства и законодательство, регулирующее правоотношения в данной сфере // Предпринимательское право. – 2010. - №4.

## **V. Қўшимча адабиётлар**

- 5.1 Абдусаломов М. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари. – Т.: Шарқ, 1998. – 28 б.
- 5.2 Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Меҳнат, 1995, 192 б.
- 5.3 Абдуқодиров Ш. Тадбиркорлик зиммасидаги мажбурият // Ҳаёт ва қонун. 2006. №2. – Б. 64-65.
- 5.4 Ибратов Б. Тадбиркор бўлайлик // Ҳаёт ва қонун. 2001. №12. 58 б.
- 5.5 Оқюлов О. Правовой статус индивидуального предпринимателя // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. 2005. ;7. С. 56-61.

- 5.6 Оқюлов О., Ибрагимов Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезонларини такомиллаштириш муаммолари // Бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари: конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2012. 18 б.
- 5.7 Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ва уларни ҳуқуқий ҳолати // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001. №8. Б. 18-19.
- Ражабов О. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш кафолатлари // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2002. №4. Б. 13-15.
- Расулов Т. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001. №10. Б. 32-33.
- 5.8 Рўзиев Р. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ва уларни ҳуқуқий ҳолати // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2002. №4. Б. 18-19.
- 5.9 Раҳмонкулов Х.Р. Тадбиркорликнинг мулкӣ ва ҳуқуқӣ асослари тўғрисида // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000. №11. 28 б.
- 5.10 Рустамбоев М., О.Оқюлов Тадбиркорликнинг ҳуқуқӣ ҳимояси. Муаммо ва ечими, тараққӣёт таянчи. // Ҳаёт ва қонун. 2002. №5. Б. 18-20.
- 5.11 Толстой Ю.К. Проблемы совершенствования гражданского и хозяйственного законодательства // Правоведение. 1983. –№2.
- 5.12 Тураев А. Ташки иқтисодий фаолият шартномалари // Ҳаёт ва қонун. – Т., 2003. –№1.
- 5.13 Умарахунов И. Современные вопросы международно-правовой природы Венской конвенции 1969 года О праве международных договоров // Обзор законодательства Узбекистана. –Т., 2008. –№3–4.
- 5.14 Убайдуллаев З.С. Правовые формы товарооборота в сфере международной торговли // Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства. – Т.: ТГЮИ, 2005.
- 5.15 Хватов В.Я. Об объекте международного договора // Правоведение. –М., 1968. –№4.
- 5.16 August R. International Business Law: text, cases, and readings. 2nd ed. – New Jersey, 1998.
- 5.17 Ewan Mc Kendrick. Contract law. Third edition. Macmillan Law Masters, 1990,1994,1997.
- 5.18 Bermejo R. Vers un Nouvel Ordre Economic International. These presentee a la Faculte de droit et des sciences economiques et sociales de l'Universite de Fribourg Suisse pour l'obtention du grade de docteur en droit. –Fribourg: Editions Universitaires, 1982.
- 5.19 Carreau D., Flory T.,Juillard P. Droit International Economique. –Paris, 1990.
- 5.20 Fox H. The Definition and Sources of International Economic Law. –London, 1992.
- 5.21 Houtte H. The Law of International Trade. –London, 1995.
- 5.22 Schwarzenburger G. The Frontiers of International Economic Law. –London, 1962.

5.23 Themaat P. The changing Structure of International Economic Law. – The Hague, 1981

5.24 Understanding WTO. 3<sup>rd</sup> edition. –Geneva: WTO, 2003.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

6.1 Статистик тўплам, - Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 66-б.

6.2 Олий ҳўжалик суди ахборотномаси, Т.: 2012. 11-сон.

## **VII. Интернет сайтлари**

7.1 <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)

7.2 <http://www.yurida.uz> (Юрида электрон ахборот тизими)

7.3 <http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик институти)

7.4 <http://www.norma.uz> (Норма электрон электрон ахборот тизими)

7.5 <http://www.un.org> (Организация объединенных наций)

7.6 <http://www.wto.org> (Халқаро тижорат ташкилоти)

7.7 <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали)

7.8 <http://www.mfa.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги)

7.9 <http://www.lawlibrary.ru> (Юридик илмий кутубхона)

7.10 <http://www.grandars.ru> (Энциклопедия)

7.11 <http://sbiblio.com> (Ўқув ва илмий кутубхона)

7.12 <http://www.conventions.ru> (Халқаро ҳуқуқ. Халқаро конвенциялар)

7.13 <http://www.garant.ru> (Ахборот-ҳуқуқ Гарант портали)